

АЛДАНГАНЛАР КИМ, АДАШГАНЛАР-ЧИ?

олам савдосига қарши курашда нодавлат
ташкилотлар фаолияти хусусида



4

ОТДАН ТУШИБ, СЎРАШИНГ!



7



13

БОЙЛАР НЕДАН ЙИҒЛАЙДИ?



Шухрат ОДИЛОВ сурат-лавҳаси

Данагидан мағзи ширин, деганлари шу бўлса керак-да!

КЕЧА:

→ Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг “Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларига фуқароларни навбатдаги чақирув ҳамда муддатли ҳарбий хизматнинг белгиланган муддатларини ўтаб бўлган ҳарбий хизматчиларни хизматдан бўшатиш тўғрисида”ги қарори матбуотда эълон қилинди.

→ Шу йилнинг 16-17 январь кунлари Жанубий Кореянинг Сувон шаҳрида дзюдо кураши бўйича ўтказилган IJF “World Masters” халқаро турнирида муваффақиятли қатнашган Шокир Мўминов (81 кг.), Дилшод Чориев (90 кг.) лар бронза, Пекин Олимпиадаси совриндори Ришод Собиров (60 кг.) эса олтин медалга сазовор бўлди. Бу эса мамлакатимиз спортчилари янги йилни хайрли бошлётганидан нишонадир.

БУГУН:

→ Ҳиндистоннинг Дехли шаҳрида шахмат бўйича “Parsvnath International” халқаро турнирида ҳозирча юз фоизлик натижага эга бўлиб турган юртдошларимиз — халқаро гроссмейстерлар Сайдали Йўлдошев, Марат Жумаев ва халқаро тоифадаги спорт устаси Нафиса Мўминовалар навбатдаги тур баҳсларига киришадилар.

ЭРТАГА:

→ Пойтахтимизда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг биринчи мажлиси очилади.

→ Мамлакатимизда жаҳон адабиёти классикларидан бири, сўз мулкининг султони ҳазрат Алишер Навоий таваллудига бағишлаб ўтказиладиган бадиий-маърифий тадбирлар, адабий кечаларга қизгин тайёргарлик кўрилмоқда.

ГАЗЕТА САҲИФАЛАРИДА:

Кимга ишимиз тушмаслиги мумкин?	2
Энахон опанинг касби — камтарлик	3
Онангизни уялтирманг!	5
Нос — наркотик воситами?	6
Инсон зурёдини бузувчи иллат	7
Теледастурлар	8-9
«Гўзаллик салони»даги эркак	10
Арастунинг хатолари	12
Машинангизда тумор бўлса...	13
Тезликни оширинг, жарима тўламайсиз!	14
Бош тошдан қаттиқ экан...	16

✓ **ЎЗБЕКИСТОН — УМУМИЙ УЙИМИЗ**

ҲАММАНИНГ ҲАВАСИ КЕЛАДИ

Оққўрғон туманидаги "Дўстлик" фуқаролар йиғини ҳудудда умрғузаронлик қилаётган Навадовлар оиласига кўпчилигининг ҳаваси келади. Хонадон соҳибаси Ҳасултон (маҳалладошларининг таъбири билан айтганда, тиниб-тинчимайдиган Оля)опанинг асли касби ҳисобчилик, Тошкент қишлоқ ҳўжалиги (ҳозирги Аграр университети) институтини тамомлаб, сал кам қирқ йил бухгалтерия соҳасида ишлади. Айни пайтда нафақада бўлса-да, уй-рўзғор, невараларининг ширин ташвишидан ортмайди. Бўш фурсат топса, "Мурод" фермер ҳўжалигининг ҳам ҳисоб-китоб ишларига қарашади.

Айтганча, Республика туркман миллий маданият марказининг фаол аъзоси, мазкур оила устуни бўлмиш Алик ака Навадов эса узок йиллар шу ҳудудда ҳосилот, бўлим бошлиғи вазибаларида меҳнат қилиб, эл-улуснинг дуосини олган инсонлардан бири. Истиқлол йил-



ларига келиб у киши ҳам фермер сифатида фаолият юрита бошлади. Мана, ун йилки, катта тажрибага эга бўлган Алик ака раҳбарлигидаги "Мурод" фермер ҳўжалигининг 20 кишилик ахил, иноқ жамоаси пахта, ғалла ва бошқа қишлоқ ҳўжалик экинлари етиштириб, ўз зиммаларидаги режаларни ошириб уdda-

лашмоқда.

— Бизлар Ўзбекистонни она Ватанимиз сифатида қадрлаб, ардоқлаб яшаётган энг бахтли туркман оилаларидан бири сифатида фахрланамиз, — дейди Ҳасултон опа биз билан суҳбатда. — Уч фарзандимиз ҳам олий маълумотли. Турли соҳаларда ишлашяпти. Келинларимиз ҳам ҳамма ҳавас қилгулик оила бекалари. Кўни-кўнларимиз билан ҳам ниҳоятда қадрдонимиз, ака-ука, опа-сингилдек бўлиб кетганмиз. Тўй-маъракамиз бир-биримизсиз ўтмайди. Бирор кун сал узокроққа меҳмонга кетиб қолсак борми, ҳаммаси излаб, соғиниб қолишади.

Дарвоқе, нафақат Оққўрғонда, балки Тошкент вилоятида ҳам энг ибратли оилалардан бири сифатида эъзозлашга арзийдиган Навадовлар хонадонидидаги ахиллик, меҳроқбиллик, энг муҳими, ҳавас қилгулик фазилатлар ҳақида ҳар қанча мақтов сўзларини ёзсак арзийди.

Робинисо АШУРОВА,
Тошкент вилояти.

Минг афсуски, кейинги йилларда одам савдоси билан боғлиқ жиноятлар қурбонлари орасида хотин-қизлар ва болаларнинг кўпчилиги қайд этилмоқда. Сир эмас, бутун дунё ахлини ташвишга солаётган бу аянчли муаммо жабрдийдалари бизнинг вилоятимиз ҳудудида,

шу жумладан, туманимизда ҳам учраб турибди. Улар билан мулоқот жараёнида бир оддий ҳақиқат аён бўлади: яъни бундайларнинг аксарияти энг аввало, ноқонуний йўллар орқали алданиб, адашиб хорижга чиқиб кетган ва зўрға қайтиб келишган. Ҳўш, уларга ҳам моддий, ҳам маънавий зарар етказилган.

Хайрияти, уларнинг бузилган ҳақ-ҳуқуқлари, манфаатларини ҳимоя қилиш учун мамлакатимизда қонуний асослар яратилган. Ва бу борада уларга ҳукуматимиз томонидан кўмак берилмоқда. Лекин шу ўринда ўринли бир савол кишини ўйлантиради: Одам савдоси қурбонларининг деярли асосий қисми ўзларининг қафолатланган ҳуқуқларини яхши билмаганлиги, иложи борица мўмай даромад топиб, тез бойиб кетишни орзулаганлиги оқибатида жабрланган.

ЭЗГУЛИК УЛАШАВЕРАМИЗ

Хотин-қизларнинг меҳнат ва турмуш шароитларини янада яхшилаш, оилани мустаҳкамлаш, ёшлар муаммоларининг бартараф этилишига кўмаклашиш, фуқароларнинг ижтимоий ҳаётдаги фаол иштирокини таъминлашда янада қулай шароитлар яратиш борасидаги вазибаларни амалга ошириш ҳамisha муҳим масала бўлиб келган. Боиси, аёл ҳаётда ўз ўрнига эга бўлмас экан, ҳам оиласидан, ҳам яқинлари орасида қадрланмайди. Шу сабабдан хотин-қизлар учун иш ўринлари яратишни биринчи ўринга қўйганмиз.

Масалан, ўтган йили тўрт мартаба «Бўш иш ўринлари ярмаркаси» ўтказилди. Туман бандликка кўмаклашувчи марказига 2403 нафар фуқаролар иш излаб мурожаат қилган бўлса, шулардан 1099 нафари аёллар бўлди. Бу фуқароларнинг 2324 нафари халқ ҳўжалигининг турли тармоқларига ишга жойлаштирилди, уларнинг 1066 нафарини аёллар ташкил этди. Бундан ташқари, юздан ортиқ фуқарога ишсизлик

мақоми берилиб, нафақа тайинланди. 47 нафари касб-ҳунар эгаллаш учун ўқишга юборилди. Уйда ўтирган аёлларнинг кўпчилиги касаначилик ишларига жалб этилди.

Шунингдек, кам таъминланган, ногирон, яқка-ёлғиз, боқувчисини йўқотган оилалар тақдири, аҳоли-руҳияти ҳам доимо эътиборимизда.

Саховатпеша ҳомийларимиз бу инсонлардан ўз муруват ёрдамларини аямаяпти. Кам таъминланган 47 та оиланинг ҳар бирига биттадан қорамол берилди. Жами бўлиб, 1.470.000 сўм маблағ ҳомийлар ҳисобидан сарф этилди. Жамғарма-мизга ёрдам сўраб келган фуқароларнинг 36 нафарига эса ҳар хил турдаги моддий ёрдамлар кўрсатилди.

Шунингдек, туманимизда «Футболчимиз келажаги» шиори остида 11-12 ёшлилар ўртасида футбол мусобақаси ўтказилиб, унда «Ғулистон» қишлоғи, «Бешкарам» маҳалласи футбол жамоаси 1-ўринни эгаллаб, вилоят босқичига чиқди. Бундан ташқари, Халқ таълими

Энди нима қилиш керак? Улар минг тавба қилиб, афсус, надомат чеканлари билан йўл қўйилган хатоларини тузатиш мушкул. Ана шундай пайтда кенг жамоатчилик, маҳалла-

✓ **МУНОСАБАТ**

кўй, ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари, ҳуллас, ҳаммамиз қўлимиздан келгунча у аёлми, эркакми, ёки воёга етмаган ўсмирми, маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлаб, кўмаклашимиз керак.

Ахир, у ҳам бегона эмас, кимгадир билан ака-укадир, қариндош бўлиши мумкин! «Ўз хатойинини ўзинг тузат» деб эътиборсиз ташлаб қўйсан, улар руҳий жиҳатдан баттар қийналишадилар. Шу боис «Одам савдоси» деб ном олган бу муҳим кўргуликдан азият чекаётганларга яқиндан ёрдам беришни ўз вазифамиз деб билайлик.

Лайло САФАРОВА,
Самарқанд вилояти,
Нарпай тумани
ФХДЭ бўлими мудири.

✓ **ЖАМҒАРМА ФАОЛИЯТИ**

бўлими билан ҳамкорликда жойлардаги мактабларга сабабсиз келмаётган ўқувчилар аиникса, қизларни мунтазам маҳалла маслаҳатчилари билан биргаликда жиддий назоратга олганмиз. Бу ишга маҳалла посбонлари ҳам бириктирилган. Бешта кам таъминланган оилаларга ҳомийлар бош бўлиб, хатна ва никоҳ тўйлари қилиб беришди. Масалан, кам таъминланган оила фарзанди Қувончбек Қаримовнинг ўқиши учун 147000 сўм микдоридаги маблағ педагогика коллежига ўтказилди. «Ғулистон» ҚФЙ, «Қозичеки» МФЙ биносини қайта қуриш эса учун жамғармамиз томонидан 200.000 сўм микдорда ёрдам кўрсатилди.

Мана, Баркамол авлод йилининг ҳам биринчи ойи ўтаяпти. Биз янги йил режаси бўйича махсус тадбирлар дастурини ишлаб чиқиб, хайрли ишларни бошлаб юбордик. Ниятимиз холис яъни жамғармамиз қордошларимиз кўнглига эзгулик улашйшдек савобли амалларга бош-қош бўлаверади.

Садбархон МАМИТОВА,
«Маҳалла» жамғармаси
Анджон вилояти Жалақудук
туман бўлими раиси.

Оила ва жамият
почтасидан

БАРКАМОЛЛИК ЙЎЛИДА

Мамлакатимиз Президентининг 2009 йил 1 июлда «2009-2013 йилларда аҳолининг репродуктив саломамлигини мустаҳкамлаш, соғлом бола туғилиши, жисмоний ва маънавий баркамол авлоднинг воёга етказиш борасидаги ишларни янада кучайтириш ва самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари дастури тўғрисида»ги қарориди белгиланган баркамол авлод мақсад-вазибаларининг мазмун-моҳияти ҳамда бевоқифа ижроси билан боғлиқ ҳолда «Соғлом, баркамол авлод учун ҳамма масъул» деб номланган кўргазмали семинар Наманган вилоятининг Янгиқўрғон туманида бўлиб ўтди.

Тадбир иштирокчилари дастлаб тумандаги 1-мактабга таълим муассасасида соғлом турмуш тарзини шакллантириш бўйича амалга оширилаётган хайрли ишлар ҳамда «Оналар мактаби» фаолияти билан яқиндан танишдилар. Шундан сўнг тумандаги Навкент КВП, 22- ва 26- ва 32- муамтабли мактаблари ҳамда Қўқер маҳалла фуқаролар йиғинида давом этган семинар ишда хотин-қизлар ва болалар саломамлигини ҳимоя қилиш, мактаб-маҳалла-оила ҳамкорлиги мавзулари атрофида муҳокама этилди.

Вилоят микёсида ўтказилган ушбу семинарда Наманган вилояти ҳокими ўринбосари, хотин-қизлар кўмитаси раиси Манзураҳон Азизова иштирок этди.

Шахно Тошбекова,
«Оила ва жамият» муҳбири.

МАКТАБДА МУЛОҚОТ

Кўпчилигимиз бирон ўқув даргоҳи ёнидан ўтаётиб, беихтиёр ҳўрсиниб қўямиз, тўғрими? Бу ҳам бежиз эмас. Энг гуллаган болалик чоғларимиз ва ёрух хотираларимиз эсга тушади. Айниқса, мактабга эл суйган, зиёли инсонлар ташриф буюрганида юрагимизда қандай ширин орзулар туғилган-чи?

Қуни кеча пойтахтимиздаги француз тилига ихтисослаштирилган 51-мактабда ҳам ана шундай унутилмас учрашувлардан бири бўлиб ўтди. Устоз ва мураббийлар, ўқувчилар даврасига ўзининг «Ибрат», «Қўзларимга суртгим келади», «Сен оловли юраксан» сингари қатор аjoyиб китоблари билан ном қозонган адаб, журналист Раҳима Шомансурова ва бошқа ижодкорлар ўзгача фойда бағишладилар. Мактаб директори Моҳира Турдиеванинг эътироф этишича, бундай мулоқотлар эртанги кунимиз эгалари бўлмиш ёшларимиз ҳаётида аjoyиб ўз қолдириши билан бирга, уларнинг маънавий тарбиясига ижобий таъсир кўрсатади.

Санобар ФАХРИДИНОВА,
«Оила ва жамият» муҳбири.

«БИЗГА ИШИНГИЗ ТУШМАСИН!»

Эсланг-чи, қайси бир касб ё соҳа вакиллари шундай ният қилиши мумкин? Топдингиз, албатта, шифокорлар-да! Лекин...

Иссиқ жонмиз, барибир, турли сабаб, баҳоналар билан улар ҳузурига боришга мажбурмиз. Сўнгги тадқиқотлардан маълум бўлишича, кейинги пайтда кўз касалликларига чалинаётганлар сони ортаётган экан. Қолаверса, томоқ, бурун ва ҳуллас, бошқа ҳасталикларга ихтисослашган тиббиётчиларга ҳам мурожаатлар камаётган йўқ, аксинча...

Ҳўш, сизу биз учун ҳаёт-мамонт масаласи сифатида тан олинган кўз касалликлари шифокорлари, мутахассис олимларнинг матбуотга, қолаверса, ижодкорлар томонидан ёритилаётган мавзуларга муносабати қандай? Айниқса, бозор иқтисодиёти шароитида тиббиётнинг рақобатбардошлик даражаси қай аҳволда? Умуман, ОАВда тиббиёт мавзусининг ёритилиши кўнглидагидеки? Ушбу саволлар ва фикр-мулоҳазалар ҳусусида яқинда Республика кўз касалликлари шифохонасида ўтказилган маърифий учрашувда атрофида сўз юритилди.

Тиббиёт фанлари доктори, профессор Холидбек Комилов, «Оила ва жамият» газетаси бош муҳаррири Норқобил Жалилов, Ўзбекистон Жаҳон тиллари университети кафедра мудири, журналист Назира Курбон, «Ўзбекистон» телерадиоканали бош муҳаррири, шоир Эшқобил Шўқур ва бошқалар бугунги журналистика ва тиббиёт ўртасидаги ижобий маънодаги ҳамкорликлар, долзарб мавзуларга муносабат ҳақида ўз қузатув, тажрибаларини билдириб ўтишди. Очиқ мулоқот, самимий савол-жавобларга бой тарзда кечган учрашув ниҳоятда шифокорлардан бири чин юракдан «Илоё, қаламхашларнинг қалами ҳамisha ўткир бўлсин ва...ҳеч қачон бизларга ишлари тушмасин» дея ният билдирди.

(Ўз муҳбиримиз)

✓ ШУНДАЙ ЯШАР ОДАТДА ОДАМ

КАМТАРЛИК — КАСБИ УНИНГ

Энахон! Назаримда момоларнинг донолиги, меҳри дарёлиги-ю вазминлиги мужасам бу исмда. Чунки мен шоира Энахон Сиддиковани танибманки, унинг сипо кўринишида, оқла-ю ишбилгиллигида, дилбар ижодиди ана шу ажиб улғуворликни кўраман.

Бу аёл давраларда, умуман ҳамма жойда кам гапирди. Лекин тинглашни билади. Гина кудурату макташни унга бегона. Ўқитувчи, мактаб директори, вилот хотин-қизлар кўмитасида етакчи мухассис, ўн йилдан бери эса Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг Фарғона вилоти бўлими масъул котиби. Кўйингчи, умри раҳбарликда кечаётган эса-да, у камтарлики касб қилган. Сўз берилса, «янгиларнингиздан эшитайлик», дейилсагина, тортиниброк маъқул сўзни айтади, масъулиятни сезиб шеър ўқийди.

Шеърларида ўзи каби, қалби каби самимият бор. Яхшиликни олқишлашга ёмонликдан қайи жўнлар, Тумариснинг юрагиди каби жўнқин ватанпарварлик тугёнлари бор...

Ха, Энахон ўзи гурур билан куйлаган: «Узумлари тиллоранг, мевалари мўл, гиёҳи донишманддай матал айтадиган, манглайини силаб кўйсанг тошлари ҳам навбат каби эрийдиган» Олтиариқда туғилиб, камолга етган. «Олтиариқда дарвозасини эмас, юрт шаънини баланд кўтардиган беклар яшайди. Олтиариққа бахор ҳаммадан олдин келади. Эрта келар амал, ризқ. Бедор назарини тўқади рабим» — дейди меҳри тошиб шоира. Олтиариқда «Фарзандлик муҳаббати ила султон отам Абдурашид Эркабой ўғлига ва бегим онам Шўраҳон Дадаҳон қизи»га деб китобларини бағишлаган ота-онаси, жигарлари яшайди. Болалар боғчасида

юзлаб ҳамқишлоқларининг фарзандларини, уйда ўз ўғил-қизларини МЕХР аталмиш санъати билан тарбиялаб, вояга етказди тарбиячи онаизори. Дадаси эса урушдан қайтган кунидан то акин вақтларгача ҳам деҳқончилик қилди. Ер юзини яшнатди. Боғу роғ яратди.

Кетмонингиз кафтида ой ботади, Кўш сиздан хижолатлар тортади... — деб ёзади Энахон отаси ҳақидаги шеърларидан бирида. Демак, ерга, элга фидойилик ота-онасидан ўтган Энахонга!

Шу кунларда бирлари 96 ёшда, иккинчилари 86 ёшдан ошиб, ҳамон ҳаракатдан барака топиб, қўлларини дуога очиб, ўғиллари, келинлари ардоғида яшаётган бу табаррук ота-она зиёратига олтиариқликлар тез-тез келиб туришади. Энахон ҳам гўзал Водилнинг вафодор, суюкли келини бўлган эса-да, Олтиариқ унинг учун бир қадам.

Айтадиларку, «нимагаки эришсанг, феълингдан», деб. Феъли файзли Энахоннинг турмуш ўртоғи Мухаммадхон Сиддиқов ҳам ижодкор. У 22 йил Фарғона туманида бош меъмор бўлиб ишлади. Эндликда Фарғона нефтини қайта-ишлаш заводида муҳандис-конструктор. Ўғил-қизлари Нилуфар, Феруза, Нигора, Мардонбек. Булар олима, ҳуқуқшунос, ўқитувчи, талаба. Кенжа қизлари Моҳинур эса таржимон бўлмоқчи.

Яна шу гапни ҳавас билан айтаман, фарғоналик ижодкорлар Энахонни эъзозлаб, Онагул, деб ҳам таърифлашади. Бунинг боиси у барча катта-кичик ижодкорларга онадек меҳрибон, жонқуяр, онадек тиниб -тинчимас... Унда яна тadbиркорлик санъати ҳам бор. Мисол учун 2001

йили уюшма учун ажратилган бинони чиройли таъмирлаб, қулай мебеллар, компьютер, телевизор... дегандай дид билан жиҳозлаш, бино атрофидаги 22 сотих бўш ётган нобоп ерни ўзлаштириб, боғу гулзорга айлантириш учун муносиб ҳомийлар топа билди. Ушандан бери бу маскан қалам аҳлининг, ёшларнинг севимли уйи. Ҳар ойда қизгин мушоира ўтказилади. Байрамлар тadbири, янги китоблар тақдими бўлади. «Олтин қалам» тўғрагининг ҳар ойдаги мунтазам дарсларида Ўзбекистон халқ шоири Охунжон Ҳаким, шоиралар Малика Мирзаева, Матлуба Деҳқон қизи, Мақсуда Эргашева, Энахоннинг ўзи ва Фарғона давлат университети олимлари навбат билан ҳолисона машғулотлар олиб борадилар.

«Олтин қалам»да камолга етган бир қанча истеъдодли ёшлар республика «Келажак овози» танловларида, «Зомин семинари»да ғолиб бўлишди. Илк китоблари нашр этилди, улар орасидан Зулфия муқофоти соҳибалари ҳам чиқди. Ёзувчилар уюшмаси аъзоллигига қабул қилинганлари ҳам бор.

Вилоят ҳокимлиги ва кенг жамоатчилик ёрдамида Энахон амалга оширган савоб ишлардан яна айтгим келади. Хувайдо, Ҳазиний, Фафур Ғулом, Асқад Мухтор, Мухаммад Юсуф ҳамда Йўлдош Сулаймонларнинг таваллуд айёмларини Фарғонада, туманларда тантанали ўтказиши катта воқеа бўлди. Пойтахтдан таникли ижодкорлар иззат-икром билан тақлиф қилиниб, шеърят байрамлари, ёшлар, талабалар билан учрашувлар ўтказилди.

Яна юбилейлар, хотира кунлари, китоблар чиқариш, ёш истеъдодларга раҳ-



намо бўлиш, ҳуллас, амалга ошириладиган режалар жуда кўп. Айниқса, 2010 йилнинг Юртбошимиз томонидан «Баркамол авлод йили» деб номлангани Энахонга бир дунё мавзулар берди.

Бош муҳаррирлигида чоп этилаётган «Қалб садоси» ҳафталик газетаси ҳам ёш ижодкорлар асарларининг тарғиботчиси сифатида суюкли нашрга айланди...

Эл-юрт ташвиши билан яшаш, маънавиятимиз юксалишига муносиб хисса қўшиш, шеър, дostonлари, ҳикоялари билан мухлислар қалбига йўл топа билиш шоирага омад келтирди: Президентимиз Фарғонага биноан мустақиллигимизнинг 18 йиллиги байрами муносабати билан Энахон Сиддиқова «Эл-юрт хурмати» ордени билан муқофотланди. Бу воқеа кўнгли нурли шоирани билган, таниган ҳар бир мухлис учун байрамга айланди!

Санъат МАҲМУДОВА

Халқимиз азал-азалдан касаначилик билан шуғулланган. Кенг миқёсдаги истеъмо, озиқ-овқат маҳсулотлари асосан уй шароитида тайёрланган. Аммо ўтган асрнинг бошларида бу иш меҳнатсиз даромадга йўйилиб, кўп жойларда таъқиқлаб қўйилгани ҳам ҳақиқат. Лекин шунга қарамай, Бухорода зардўзлик, Фарғона водийсида атлас, Қаршида жундан гилам тўқиш, Жиззахда эса кигиз босиш билан халқимиз мунтазам шуғулланиб келган. Бугун эса бу соҳага ҳукумат даражасида эътибор берилганлиги

✓ БАНДЛИК ДАСТУРИ

КАСАНАЧИЛИК: ҲАМ ИШ, ҲАМ ДАРОМАД

хунармандларга жуда катта имкониятларни очиб берди. Айниқса, бир неча йиллардан бери мунтазам ўтказиб келинаётган «Ташаббус» кўрик-танловида ҳам ушбу соҳа вакиллариининг меҳнати, яратувчанлиги юксак қадрланётгани эътиборга олиқди.

Президентимизнинг 2006 йил 5 январдаги «Ириқ саноат корхоналари билан касаначиликни ривожлантириш асосидаги ишлаб чиқариш ва хизматлар ўртасида кооперацияни кенгайтиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»-ги Фармони қабул қилинганидан сўнг жойларда Бандлик муаммосини ҳал этиш, оила бюджети даромадларини кўпайтириш, уй меҳнатидан фойдаланган ҳолда бутловчи қисмлар, тайёр маҳсулотлар чиқариш ва янги хизмат турлари кўрсатишни ташкил этиш орқали ириқ саноат корхоналарининг ишлаб чиқариш самарадорлигини кучайтириш мақсади-

да муайян чора-тадбирлар амалга оширилди. Жойларда касаначиликни ривожлантириш асосида ишлаб чиқариш ва хизматлар ўртасида кооперацияни кенгайтириш бўйича ишчи гуруҳлари фаолият кўрсатмоқда. Энг эътиборли жиҳати, турли сабабларга кўра, иқтисодийётнинг ҳақиқий секторидида ишлаш имкони бўлмаган кўп болали оила аъзолари, хотин-қизлар, ногиронлар иш билан банд бўлмоқдалар. Энди касаначилар, хусусан хо-

лдин чора-тадбирлар амалга оширилди. Жойларда касаначиликни ривожлантириш асосида ишлаб чиқариш ва хизматлар ўртасида кооперацияни кенгайтириш бўйича ишчи гуруҳлари фаолият кўрсатмоқда. Энг эътиборли жиҳати, турли сабабларга кўра, иқтисодийётнинг ҳақиқий секторидида ишлаш имкони бўлмаган кўп болали оила аъзолари, хотин-қизлар, ногиронлар иш билан банд бўлмоқдалар. Энди касаначилар, хусусан хо-

лдин чора-тадбирлар амалга оширилди. Жойларда касаначиликни ривожлантириш асосида ишлаб чиқариш ва хизматлар ўртасида кооперацияни кенгайтириш бўйича ишчи гуруҳлари фаолият кўрсатмоқда. Энг эътиборли жиҳати, турли сабабларга кўра, иқтисодийётнинг ҳақиқий секторидида ишлаш имкони бўлмаган кўп болали оила аъзолари, хотин-қизлар, ногиронлар иш билан банд бўлмоқдалар. Энди касаначилар, хусусан хо-

лдин чора-тадбирлар амалга оширилди. Жойларда касаначиликни ривожлантириш асосида ишлаб чиқариш ва хизматлар ўртасида кооперацияни кенгайтириш бўйича ишчи гуруҳлари фаолият кўрсатмоқда. Энг эътиборли жиҳати, турли сабабларга кўра, иқтисодийётнинг ҳақиқий секторидида ишлаш имкони бўлмаган кўп болали оила аъзолари, хотин-қизлар, ногиронлар иш билан банд бўлмоқдалар. Энди касаначилар, хусусан хо-

КОЛЛЕЖДА ОИЛА САБОҚЛАРИ

Айримлар фарзандларини то балоғатга етгунига қадар оила билан боғлиқ ташвишларга аралаштиргиси келмайди. "Ўқиб олсин-чи, бошига тушганидан кейин ўрганиб кетар" деган қарашда юрганларнинг аксарияти кўпинча қизларини турмушга узатганидан сўнг турли муаммолар туғилаётганини тан олишади. Шунинг учун ўғилми, қизми, барибир, ҳар бир ёшни оиладаги юмушларга кўнглириб, ўргатиб боришимизни ҳаётнинг ўзи талаб қилаётди.

Шу мақсадда бўлимимиз ташаббуси билан туманимиздаги Агросаноат касб-хунар коллежиди Баркамол авлод йилига бағишлаб ўқувчи-ёшлар иштирокида учрашув ўтказдик. Қизқарлик мулоқот, савол-жавоб тарикасида уюштирилган тadbирда туман ҳокимлиги, тиббиёт бирлашмаси вакиллари, маҳалла фуқаролар йиғинлари раислари, диний уламолар иштирок этиб, бевосита Оила масаласи билан боғлиқ айрим муаммолар, шу жумладан, вояга етмай турмуш қуришнинг зарари ёки яқин қариндош-уруғлар ўртасидаги никоҳлар оқибатида келиб чиқаётган кўнгилсиз ҳолатлар ҳақида ўз фикр-мулоҳазаларини билдиришди.

Шу мақсадда бўлимимиз ташаббуси билан туманимиздаги Агросаноат касб-хунар коллежиди Баркамол авлод йилига бағишлаб ўқувчи-ёшлар иштирокида учрашув ўтказдик. Қизқарлик мулоқот, савол-жавоб тарикасида уюштирилган тadbирда туман ҳокимлиги, тиббиёт бирлашмаси вакиллари, маҳалла фуқаролар йиғинлари раислари, диний уламолар иштирок этиб, бевосита Оила масаласи билан боғлиқ айрим муаммолар, шу жумладан, вояга етмай турмуш қуришнинг зарари ёки яқин қариндош-уруғлар ўртасидаги никоҳлар оқибатида келиб чиқаётган кўнгилсиз ҳолатлар ҳақида ўз фикр-мулоҳазаларини билдиришди.

Насиба РАСУЛОВА,
Тошкент вилоти,
Бўка тумани
ФХДБ бўлими мудири.

Газетамизнинг Тошкент вилоти бўйича муҳбири Турдикул НОРМАТОВнинг хабар беришича, худди шундай тadbирлардан бири вилоят-

нинг Бекобод туманидаги Далварзин касб-хунар коллежиди ҳам бўлиб ўтган.

— Бир неча йилдан бери бўлимимиз қошида фаолият юритаётган «Оила дорилфонуи»нинг навбатдаги машғулотиини ушбу коллежда ўтказиётгани-



мизнинг ўзгача рамзий маъноси бор, — дейди Бекобод тумани ФХДБ бўлими мудири Дилором ЮСУПОВА. — Чунки бу ёшлар эртага катта ҳаёт оstonасига қадам қўядилар. Йигит-қизларнинг бу даргоҳда турли касб-хунар сирларини ўрганаётганликлари жуда кўнглили, лекин Оила аталмиш муқаддас кўрғоннинг ҳам ўзига хос синоатлари, йўл-йўриқларини ҳозирданок эгаллаб боришса, эртага тўғри йўлдан адашмайдилар.

Машғулотта тақлиф этилган

✓ ФХДБ ҲАЁТИДАН

туман хотин-қизлар кўмитаси, ҳуқуқни муҳофаза этиш идоралари вакиллари, шифокорлар Президентимиз ва ҳукуматимиз томонидан аҳоли сийҳат-саломатлигини ҳимоя қилиш билан боғлиқ долзарб масалалар, шунингдек, ёшларни ҳар тарафлама қўллаб-қувватлаш йўлида қабул қилинаётган Фармон ва қарорларнинг мазмун-моҳияти ҳамда

Оила кодексидида белгиланган ҳуқуқ-буриқлар хусусида сўз юритдилар.

СУРАТДА акс этган Бекобод туман ҳокимлиги ва халқ таълими бўлими томонидан таъмирлаб, ўқувчиларнинг намунали билим олишлари учун барча шарт-шароитлар яратиб берилган 27-сонли умумтаълим мактабидида ҳам худди шундай ибратли машғулотлар ўтказиш режалаштирилди.

Турдикул НОРМАТОВ
олган сурат.

Мавзуга оид маълумот:

Сўнги олти йил ичда «Истиқболли авлод»нинг Тошкент шаҳар ва вилоятлардаги ҳамкор ташкилотларнинг долзарб алоқа тармоқларига ҳар хил масалалар юзасидан 87022 тадан ортиқ муурожаатлар қилинган. Улар орасида одам савдоси билан боғлиқ 7766 та муурожаат қайд этилган.

— Ҳозиргина кўнғироқ қилган Диля исмли қиз БАА фуқаросига турмушга чиқиб, Дубайга кетган, — дейди телефондаги сўхбатни изоҳларкан «Истиқболли авлод» ёшлар ахборот-маърифат маркази директори Нодира КАРИМОВА. — Аммо унга уйланган киши кўп ўтмай жуда қаттиқ азоблаган, аёвсиз калтаклаган. Охир-оқибат у ўша мамлакатда жойлашган консулликмига бориб, долзарб алоқа тармоғи орқали ташкилотимизга муурожаат қилган. Консулликмигиз вакиллари кўмағида уни мамлакатимизга қайтаришга муваффақ бўлди. Бироқ шу билан унга тегишли бўлган муаммо ҳали тугагани йўқ. Диля ҳомилдор. Унинг меъёрда кўзи ёриши ва туғилажак фарзандига ҳужжатларни олишида ёрдам беришимиз керак. Агар биз уни Ўзбекистонга қайтардик, ишимиз тугади десак, у ўзи билан боғлиқ муаммолар гирдобидан чиқа олмайди. Бунинг устига ёнида ақинлари бўлмаса, ўзини ҳеч кимга келтиришга қўйиб қилади. Шу боис ўзининг соғлом турмуш тарзини яратиб олиши, азоблари унутилишига кўмаклашимиз зарур.

Изоҳ: «Истиқболли авлод» ёшлар ахборот-маърифат маркази ҳақида сўз.

Одам савдосига қарши курашиш бўйича ташкил этилган ушбу нотижорат нодавлат ташкилотига 2001 йилда асос солинган бўлиб, Тошкент шаҳар Адлия бошқармасидан рўйхатдан ўтган. 2003 йилда унинг ҳамкорлик тармоғи ташкил этилиб, Бухоро, Жиззах, Самарқанд, Сирдарё, Сурхондарё вилоятларида марказ бўлимлири, Қорақалпоғистон Республикасининг «Исёним», Андижон вилоятининг «Меҳримиз Сизга», Хоразм вилоятининг «Истиқбол» аёллар ташкилотларини ўз атрофига жамлади. Ташкилот фаолиятининг асоси уч йўналишдан, яъни одам савдосининг олдини олиш ва жабрланувчиларни мамлакатга қайтариш ҳамда уларга тегишли ёрдам кўрсатишдан иборат.

Муҳокама учун маълумот:

«Истиқболли авлод» нотижорат нодавлат ташкилоти томонидан одам савдосининг олдини олиш бўйича аҳоли орасида 500 дан зиёд тадбир ўтказилиб, унга 99 500га яқин киши жалб қилинди, 2740 дан ортиқ ахборот материаллари тайёрланиб ОАВ орқали тарқатилди.

Одам савдоси — глобал муаммо. Унга қарши бугун бутун дунё аҳли курашмоқда, шу жумладан, бизнинг мамлакатимизда ҳам бу борадаги амалий ишлар натижаси сифатида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 8 июлдаги «Одам савдосига қарши кураш самарадорлигини ошириш бўйича чоралар тўғрисида»-ги қарори ҳамда 2008 йил 17 апрелда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг «Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида»-ги Қонунида ҳуқуқий асослар яратиб берилди. Давлат миқёсида қабул қилинган меъёрий ҳужжатларнинг узийб бу муаммонинг қанчалик долзарб эканлигидан далолат бериб турибди. Ахир бу иллат қанчадан-қанча бегуноҳларни ўз домига тортмоқда. Улар қаторида ватандош-

— Алло, бу долзарб алоқа тармоғими?
— Худди шундай. Ўзингизни таништиринг.
— Исмин Диля, сизларнинг ташкилотингиз ёрдамида Ўзбекистонга қайтдим.
— Хўш, қандай масалада кўнғироқ қиласиз?
— Чет эллик турмуш ўртоғимдан ҳомиладорман. Туғилажак боламга энди чет эл фуқаролиги бериладими? Мен бунга хоҳламайман. У ёқда менинг паспортимни олиб қўйишган эди. Энди эса туғиладиган фарзандимга Ўзбекистон фуқаролигини олишим учун керакли маълумотларни тўплашим керак экан.

— Сизга ҳозир ҳуқуқшуносимиз зарур маслаҳатларни беради. Марҳамат, гаплашинг!..

«Истиқболли авлод» ёшлар ахборот-маърифат марказининг долзарб алоқа тармоғига деярли ҳар куни ана шу каби турли масалалар бўйича фуқаролар муурожаат этишади.

ларимизнинг борлиги ҳам айна ҳақиқат. Бу иллатга қарши курашга юртимиздаги барча давлат ташкилотлари, вазирлик ва идоралар, нотижорат нодавлат ташкилотлари жалб этилган. Биз сўз юритаётган «Истиқболли авлод» нодавлат нотижорат ташкилоти ҳам Ўзбекистон хотин-қизлар

хўрланиши, ҳақ-ҳуқуқларининг поймол этилиши каби мислсиз азоб-уқубатлар борлигини ҳар ким ўзининг тасаввур доирасида билади. Аммо шунга қарамай, ана шу кўргуликнинг қурбонига, жабрланувчига айланиб қолади. Яратган томонидан ўзига ато этилган ҳаётни,

АЛДАНГАНЛАР КИМ, АДАШГАНЛАР-ЧИ?

одам савдосига қарши курашда нодавлат ташкилотлар фаолияти хусусида



қўмитаси, Ички ишлар, Ташқи ишлар, Адлия, Соғлиқни сақлаш вазирликлари, халқаро ташкилотлар, элчихоналар, консулликлар билан доимий ҳамкорликда иш олиб бориб, ушбу масалада республика миқёсида кенг қўламдаги маънавий-маърифий, ҳуқуқий-психологик ёрдам ҳаракатларини амалга оширмоқда. Шунга қарамай, одам савдоси қурбонига айланаётганлар ҳамон учрамоқда. Хўш, бунинг сабаби нимада?

Нодира КАРИМОВА — марказ директори:

—Биласизми, бу жуда мунозарали, бахтсиз масала. Кимдир сабаб сифатида иш тополмаётганини рўйхат қилади, кимдир пули йўқлигини, кимдир алданиб қолганини айтади. Тўғри, ҳар ким ўзи кўрган вазият, билган воқеадан келиб чиқиб муносабат билдиради. Аммо энг асосий сабаб, фуқароларда, айниқса ёшларда ҳуқуқий билимларнинг етишмаслиги деб ҳисоблайман. Нима, улар одам савдосининг борлиги ҳақида эшитмаганими? Ахир маҳаллалар, қишлоқлар, олий ўқув юртлири, коллежлар, ишлаб чиқариш корхоналарида бу жиддий мавзуда қанчадан-қанча тадбирлар ўтказилапти. ОАВ томонидан роликлар, курсатувлар, видеофилмлар тайёрланган, тушунтириш ишлари олиб борилапти. Аммо барибир одам савдоси қурбонлари бўляпти. Нега? Шунча маълумотларга қарамай, қўшниси, қариндоши ёки энг яқин дугонасининг ёлғонига ишониб, алданиб қолаётганлар қанча? Шунинг учун одам савдоси муаммосининг илди-зида ёлғон, алдов, ноқонунийлик ётибди. Биз фаолиятимизда бекорга асосий эътиборни аҳолининг ҳуқуқий саводхонлигини оширишга қаратаётганимиз йўқ.

Одам савдоси деган ҳуқуқ атаманинг ортида инсоннинг камситилиши,

яшаш ҳуқуқидан далолатсиз эркини бировларга бериб қўяди ва бундан бир умр азият чекади. Мамлакат чегарасини ноқонуний босиб ўтаётганини била туриб, музофир юрда бироқ қор-қол бўлса, ҳосил не кечиши ҳақида ўйламайди. Гўё бу савдо уларнинг бошига тушмайдигандай. Ваҳоланки, бу муаммодан ҳеч ким ҳимояланмаган!

Одам савдосига қарши курашиш бўйича Миллий ҳаракат Дастурига мувофиқ белгиланган вазифалар юзасидан мамлакатимизнинг турли ҳудудларида олиб бориладиган саъй-ҳаракатларда «Истиқболли авлод» нодавлат нотижорат ташкилоти Ўзбекистон хотин-қизлари қўмитаси билан яқин ҳамкорлик қилади. Миллий ҳаракат Дастурига амалга ошириш бўйича Республика хотин-қизлар қўмитаси ҳузурида тузилган ишчи гуруҳининг ноябр ойидаги йиғилишида «Истиқболли авлод» билан ҳамкорлик натижасида 2009 йилнинг 9 ойи давомида одам савдоси қурбонига айланган икки юз элликача яқин аёл мамлакатга қайтарилганлиги қайд этилди.

Мавзуга оид маълумот:

«Истиқболли авлод» ўз фаолияти давомида 3400 нафар одам савдоси жабрланувчиларининг юртга қайтишларига кўмаклашди. Уларнинг 570 нафарига психологик, ҳуқуқий, тиббий, ижтимоий ёрдам кўрсатилди.

Бу борада ташкилот Россия, Туркия давлатларининг Халқаро Миграция Ташкилотлари, Бирлашган Араб Амириликнинг «Аёллар» жамғармаси, Исроилдаги «Аёл учун аёл» сингари бир неча ташкилотлар билан мустаҳкам алоқа ўрнатган.

Яна бир жиҳати, жабрланганларни

✓ ДОЛЗАРБ МАВЗУ

мамлакатга қайтариш бир жиддий масала бўлса, уларни меъёрий ҳаётга мослаштириш ҳам алоҳида долзарб муаммодир. Чунки зўравонлик, қийноқлар, камситилишлардан азият чекканларга ёрдам зарур бўлади. Жамоатчиликнинг бу инсонларга нисбатан муносабатини ўзгартириш керак. Бунга Нодира Каримова шундай изоҳлайди:

— Очигини айтиш керак, аҳоли орасида одам савдосидан жабр кўрганларга муносабатни ижобий деб бўлмайдими. Айримлар аксарият ҳолларда бунга уларнинг ўзларини айбдор деб биладилар. Жабрланганлар биринчи навбатда ана шундан, атрофдагилар уларни қўлларини бигиз қилиб кўрсатишларидан чўчишади. Қилган ишидан, йўл қўйган хатосидан минг бор пушаймон ёб, зўрга уйга етиб келади, ҳар хил таъна дашномлар, кесатикларни эшитиш кўрган кечирганлари олдида дард устига чипқон бўлади.

Ваҳоланки, Ўзбекистон Республикасининг «Одам савдосига қарши кураш тўғрисида»-ги қонуни 4-моддасида жабрланганларнинг камситилишига йўл қўймайди қатъий белгилаб қўйилган. Шу боис, уларни нормал ҳаётга қайтишлари учун жамоатчиликнинг муносабатини ўзгартириш лозим. Уларни камситиш, айблаш, муҳокама қилиш ўрнига ёрдам бериш, қилинган хатони тузатиш, унинг асо-ратларини унут бўлишига кўмаклашиш ҳар бир инсоннинг бурчи бўлиши керак. Муаммонинг олдини олишда фақат давлат ва жамоатчилик ташкилотларининг саъй-ҳаракатлари билан кифояланмаслик керак. Унга бутун жамоатчиликни жалб қилиш ке-рак.

«Бўш қоп тик турмайди» деган гап бежиз айтилмаган. Шу маънода юзлаб юртдошларимизни олис ўлкалардан то-пиб, мамлакатга қайтариш, уларга ёрдам кўрсатиш каби саъй-ҳаракатларнинг ортида катта молиявий харажатлар ётади. Бу борада «Истиқболли авлод» нотижорат нодавлат ташкилотининг фаолиятини қилар молиялаштиради, деган савол кўпчи-лики қизиқтириши табиий.

— Аввало, «Истиқболли авлод» ёшлар ахборот-маърифат маркази бир неча лойиҳалар устида иш олиб боради. Уларнинг маблагларини йўналтири-миз. Шунингдек, бизга давлат ташкилотлари қаторида халқаро ташкилотлар, хомийлар ақиндан ёрдам беришади, — дейди Нодира Каримова. — Ишонасизми, хомийларимиз яқинлари орасида одам савдосидан жабрланганлар ҳам бор. Фаолиятимизнинг оғирлигини улар ўз кўзлари билан кўрганлиги боис, бизга беминнат кўмаклашадилар.

Одам савдоси XXI асрнинг муҳдиш иллатларидан бири. Унга қарши кура-шиш энг долзарб ва кечиктириб бўлмай-диган муҳим масалалардан биридир. Барча давлат ва жамоат ташкилотлари аниқ режа ва дастурлар асосида фао-лият олиб борапти. Уларнинг қаторида «Истиқболли авлод» ёшлар ахборот-маърифат марказининг фаолияти ало-ҳида эътирофга сазовор. Ташкилотнинг тинимсиз саъй-ҳаракатлари тўғрйли қан-чадан-қанча жабрдийдаларга ёрдам кўрсатилляпти. Бутун жамоатчилик улар-нинг сафига қўшилиши керак. Зотан, одам савдосидан иллатга қарши бир-лашмасак, қўшимиз, қариндошимиз, дўсти биродаримизга, опа-укамиз, фар-зандимизга нисбатан бекфарқлик қилсак, навбатдаги жабрдийда улар бўлиши мумкинлигини унутмайлик.

Назира ҚУРБОН,
журналист.

BOLALAR

DUNYOSI

HAVAS MAQSADGA
AYLANYAPTI

Sanjar Tursunov, Uspenskiy nomli Respublika ixtisoslashtirilgan musiqa akademik litseyining 6-sinf o'quvchisi. 1998 yilda Buxoro shahrida tug'ilgan. Muchali yo'lbars. Ustozi Larisa Muhiddinovaning aytishicha, Sanjar muhiddinovaning aytishicha, Sanjar Sherzodning piano chalishiga shunchaki havas bilan qarardi. Keyinchalik bu havas maqsadga aylandi. Hatto u akasidan o'tkazib chaladigan bo'ldi. Endi esa Sanjar ham akasiga o'xshab litseyda musiqa yo'nalishi bo'yicha saboq olmoqda. 2008-yilda o'tkazilgan «San'at g'unchalari» respublika musiqa tanlovida Sanjar Tursunov birinchi o'rin sohibi bo'ldi. O'shanda u iogon Sebastyan Baxning inventsiyasini mahorat bilan chalib berdi va «Azizaxon» nomli musiqiy



UMID CHECHAKLARI

TEGAJOQ BOLA

Solivo'y ikkinchi sinfda o'qiydi. Ammo uning birorta ham yaqin do'sti yo'q. Chunki u tegajoq bola. Sinfdo'shlarining jig'iga tegishni, ularni laqab bilan chaqirishni yaxshi ko'radi. U o'zining ko'ngilxushligi uchun ba'zan o'rtoqlarini noxush payrovlar bilan ham mazaxlaydi. Masalan, Ahmad ismli sinfdoshini «Ahmad yasha, suvga kalla tashla» deb jig'iga tegsa, Akmalga «Akmal, ikki oldi, cho'ntagiga soldi», deb g'ashiga tegadi. Solivo'yning bunday odatlaridan bezor bo'lgan bolalarning ba'zilar u bilan janjallasha, ba'zilar uyalganidan yig'lab ham olardi. Shu bois hozir Solivo'y yolg'izlanib qoldi...

Ulug'bek G'ULOMJONOV,
o'quvchi.

«QO'RQMASVOY»LAR

Bir kuni Jasur bilan Botir tortishib qolishibdi. — Men qo'rqmasdan huv anavi eng baland daraxtga ham chiqib olishim mumkin, — debdi Jasur maqtanib.

— Yo'q, sendan men kuchliman! Kechasi ham bir o'zim tashqariga chiqa olaman! — Do'stidan qolishmabdi Botir polvon ham.

Shu payt qo'shni Risolat xolaning Bezbet laqabli echkisi ipini uzib, ko'chaga otilib chiqibdi. Uni ko'rib ikki «pahlavon» devor ortiga berkinishibdi. Axir ilgariroq bu echki o'zining o'tkir

shoxlari bilan bir nechta bolalarga zarar yetkazgan edi-da! Ikki maqtanchoq og'aynilar devor ortida berkinib o'tirishganda Mehri ismli qizcha ko'chaga o'ynagani chiqib qolibdi. Bezbet echki tisarilib, Mehri tomon yura boshlabdi. Buni ko'rgan «pahlavon»lar qo'rquvdan dag-dag titrashibdi. Mehri esa qo'lidagi teshikkulchani echkiga tutibdi. Shirin kulchani paqqos tushirib olgan echki minnatdor tarzda qizchaga boshini egibdi. Mehri uning boshini silab qo'yibdi. Bu xolni ko'rgan Jasur bilan Botir «naqadar dovyurak qizcha!» deya ajablanishibdi.



O'ZIMDAN UYALDIM

«Qizim Shoira 3 sinfda o'qiydi. Maktabdagi o'qish, intilishlari yaxshi. Kamgap, vazmin qiz. Ammo u har doim «O'yijon, ishga bormang. O'rtoqlarimning onasiga o'xshab uyda o'tiring», deyaveradi. Dam olish kunlari yaqinlashsa, «Urr-ey, endi ikki kun uyda qo'lasiz!», deb xursand bo'ladi. Qizim doym yonimga kelib, bo'ynimdan quchoqlab, yuzlarimdan o'pib erkalangisi keladi. Men esa kap-katta qizning o'zini yosh boladay tutishini ko'rib, jahlim chiqadi. «Uyda o'tiravermasdan, ko'chaga chiqib, qizlar bilan o'ynasang-chi» desam, ko'nmaydi. Bir kuni esa maktabdan kelib, ishxonamga qo'ng'iroq qilib: «Uyga tezroq keling, zerikib ketayapman» deb yig'ladi. Qizimning bu holatidan tashvishga tushib, uni ruhshunosga olib bordim. Ruhshunos menga aytgan quyidagi maslahatlarini berdi:

«Siz qizingiz uchun juda kam vaqt ajratar ekansiz. Kun bo'yi ishda bo'lishingizga qaramay, uyga ham yozuv-chizuvlaringizni olib kelib bajarganingiz uchun u kim bilan gaplashishni, dardlashishni bilmaydi. Shuning uchun ham doimo o'zini yolg'iz his qilargan. Shu bois maktabda ham, ko'chada ham uning eng yaqin dugonasi yo'q...»

Ruhshunosning fikrlarini eshitib, o'zimdandan uyalib ketdim va o'zimga so'z berdim:

Endi har kuni qizim uchun vaqt ajrataman. U bilan to'yib-to'yib gaplashaman, dugonalar topishiga ko'maklashaman».

Anora RAHIMOVA
Toshkent shahri

Tahririyat: Aziz bolajonlar! Balki sizning ham orangizda Shoiraga o'xshab o'z inijliklari bilan oyisining boshini qotiradigan, uni qiyin ahvolga solib qo'yadiganlar bordir. Uyda yolg'iz qolganingizda vaqtingizni mazmunli o'tkazing. Maktabdan kelib, uy yumushlarini bajaring bo'lgach, biror qiziqarli mashg'ulot bilan shug'ullaning. Masalan, til o'rganing yoki tikish-bichish, to'qish to'garaklariga qatnashib, hunar egallang. Kitob o'qing. Erishgan yutuqlaringiz haqida oyijoningizga so'zlab bering. Shunda atrofigingizda do'stlaringiz ko'p bo'ladi. Hamma bolalar sizday a'lochi bilan do'st bo'lishga intilishadi. Oyingiz qancha ish bilan band bo'lmasin, baribir sizni juda-juda yaxshi ko'radi. Shunday emasmi?

E'LON!

Aziz o'g'il-qizlar! 2010-yil yurtimizda «Barkamol avlod yili» deb e'lon qilinganidan xabaringiz bo'lsa kerak. Gazetamiz tahririyati «Barkamollik sari yo'l» deb nomlangan

INSHOLAR TANLOVI

e'lon qiladi. Tanlovda 8 yoshdan 16 yoshgacha bo'lgan o'quvchilar ishtirok etishlari mumkin. Bu o'ziga xos sinov mart oyining birinchi o'n kunligiga qadar davom etadi.

Qadimiy bayramimiz Navro'zi olam ayyomi arafasida uch nafar g'olib aniqlanib, ular tahririyatimizning maxsus sovg'alari bilan taqdirlanadi.

Insholar tanloviga marhamat!

E'LON!
INSHOLAR
TANLOVI

YO'LDUZLAR
Tunda xayolga cho'mib,
Termulaman osmonga.
O'h-ho', qancha yulduzlar
Qarar bizning tomonga.

Biram go'zal ranglari,
Boqsam ko'zim qamashar.

Onam aytar sen yerga,
Yulduz ko'kka yarashar.

USTOZIM

Qo'lga kitob tutqazib,
Alifboni yodlatgan.
Ona Vatan qadriga,
Yetmoqlikni o'rgatgan.

Yaxshi odam bo'ling deb,
Doim kulib yuring deb.
To'g'ri yo'lga ko'rsatgan,
Rahmat sizga ustozlar.

Fazilat
ABDUXOLIQOVA,
Chilonzor tumanidagi
183-maktabning
5-sinf o'quvchisi.

TOPISHMOQLAR

1. Oppoq dasturxon olamni oqartirdi.

(qor parchalari)

2. Suv tagida aholi yashar, oldiga orqasi bilan yondashar.

(sakkizoyoq)

МУТАХАССИС МАСЛАХАТИ

НОГИРОНЛАР БИЛАН МУОМАЛА ҚИЛИШНИ БИЛАМИЗМИ?

(Давоми. Боши ўтган сонда)

Тўртинчи тавсия: Нутқида нуқсон бўлганлар билан мулоқот

Нутқидаги камчиликлар турли хил бўлади. Масалан, овози паст, гапиришга қийналадиган, нутқ аъзоларининг яхши ривожланмаганлиги, дудук, соқов, айрим қийин сўзларни айта олмаслик каби ва ҳоказо.

Нутқида нуқсон бор одам билан гаплашганда жуда сабр-тоқатли бўлиш керак. У билан суҳбатни бошламасдан туриб, дарров тугатманг. Тез, чала-чулла гапирманг. Суҳбат узоқ вақтга чўзилишига тайёр туринг.

Гапини бўлманг, талаффузи нотўғри бўлса, танбеҳ берманг, қулманг. Ишга шошаётган бўлсангиз, яхшиши, узр сўраб, янаги сафар учрашиш вақтини келишиб олинг.

Суҳбатдошнинг қўзларига тик қараб гапиринг.

Унга тез-тез шундай саволлар беринг-ки, қисқа жавоб бера олсин ёки фақат бошини қимирлатиб тасдиқлаши ёки

инкор этиши мумкин бўлсин.

Нутқидаги камчилик — эси пастлик белгиси эмас. Гапини илғамаган бўлсангиз, савол беринг. Шошмасдан, донадона қилиб жавоб беришини илтимос қилинг.

Унинг оҳангига ўхшатиб гапирманг, асло тақлид қилманг, равон гапиринг. Гапира олмасан, ёзиб берсин.

Бешинчи тавсия: Ўқишда қийналадиганлар

Ўқиш-ўрганишда орқада қоладиган кишиларнинг кўпчилигида эслаб қолиш қобилияти заиф бўлади. Бу ногиронликнинг яширин туридир. Масалан, интеллекти етарли даражада бўлган баъзи одамлар қаттиқ ҳаяжонланганда оддий саволларга ҳам тез ва тўғри жавоб беролмаслиги мумкин. Чунки у диққатини бир жойга тўплай олмайди, яхши эшитмаслиги мумкин, керакли сўзларни тополмай қийналади, фикри тез-тез ўзгаради ва ҳоказо.

Хотиранинг сустлиги қуйидаги кўринишларда ҳам намоён бўлиши мумкин:

— Бирор нарсани ўқиб, гапириб бера олмаслик.

— Қўл меҳнатига лаёқатсизлик.

— Ахборот қабул қилишда эшитиш, кўриш каби сезги аъзоларининг заифлиги туфайли эшитиб ёки кўриб идрок эта олмаслик.

— Ибораларни яхши тушунамаслиги, уларни тўғридан-тўғри қабул қилиши.

Агар бола ўқишга қийналса, матни унга сўзлаб беринг. Агар у ёмон эшитса, ёзиб (ёки расм чизиб) кўрсатинг ва ҳоказо. Энг муҳими, у билан самимий гаплашинг, туйғуларини топтаманг.

Олтинчи тавсия: Ақли заиф одамлар

Уларнинг янги одамларга кўникиши, янги одатларга ўрганиши қийин бўлади. Бу тарбияга, урф-одатларга, анъаналарга ва шарт-шароитга боғлиқ. (Яна таъкидлаймиз:

нутқи ёмон ёки қулоғи оғир одамларни ақли заифларга адаштирманг.)

Ақли заифга донадона гапиринг. Мураккаброқ гапларни бўлиб-бўлиб айтинг. Ибора, киноя ва шаяма гапларни айтманг.

Хар бир гапдан кейин, ўйлаб олиши учун вақт беринг. Кўрғазмали қуроллар ёки расмларни кўрсатинг, тушунмаса, дарров аччиғингиз чиқмасин, бир неча марта такрорлашга эринманг.


Ақли заиф одамлар ҳам тажрибага эга бўлишини унутманг. Уларнинг айнан нималарни яхши билишини аниқлаб, бундан тўғри фойдаланинг. Эс-хушли одамларга қандай муомала қилсангиз, уларга ҳам шундай муносабатда бўлинг. Улар билан ҳам режа-

ларингиз ва турли мавзуларда суҳбатлашишга ҳаракат қилинг.

Ақли заифларга имтиёз ва нафақа берилади. Шунинг учун турли ҳужжат ва шартномаларга унинг ўзи имзо қўйиши кераклигини ўргатинг. Бундан ташқари, хоҳлаган вақтида тиббий ёрдам олиши мумкинлигини тушунтиринг.

Айрим ақли заиф одамлар суҳбатдошининг кўнглини олиш учун ёлғон гапириши мумкин. Сиз тўғриси билиш учун унга бир неча саволлар беринг. Жавобларни солиштириб, рост гапини билиб олишингиз мумкин. Лекин буни унга билдирманг.

Шокир ҚОСИМОВ,
тиббийёт фанлари номзоди,
невропатолог-шифокор.



Нос чекиш зарарлими?

Нос хумори нима?

Носга қаттиқ ўрганиб қолган киши, хумор тутганда носни бўлмаса, жиззакни, жажлдор, кўрс бўлиб қолади. Улардан доим қўланса ҳид анқиб туради. Жамоада нос чекиш, тупуриш маданиятсизлигининг бир кўриниши ҳисобланади.

Нос чеккан кишининг боши айланади, энгил кайф қилади. Бу тамаки таркибидидаги канцероген модда — бензопири ва бошқа захарларнинг қонга сўрилиб, бош миёга таъсири натижасида рўй беради.

Нос биринчи марта чекилганда, захарли моддаларга нисбатан танада ҳимоя тизими ишга тушади. Оқибатда кўнгил айнийди, бош айланади, юрак уриши тезлашади, совуқ тер босади, киши маст одамдек ган-

дираклайди ва ҳоказо. Яхшиямки, кўпчилик ўсмирлар ушбу ёқимсиз ҳолатдан кейин носни ёқтирмай, уни бутунлай чекмай қўядилар.

«Ўткир» оҳак керакми?

Нос энгил наркотик модда ҳисобланади. Таркиби — тамаки (45%), гўзапоя кули (32%), пахта ёғи (18%) ва оҳакдан (5%) иборатдир. Баъзан, ранг ва таъминини ўзгартириш учун унга сирач, тут барги, ўткир хидли ўт ва бошқалар қўшилади.

Носни баъзилар тилнинг тагига ташлаб чекса, баъзилар исқаб хумор ёзади. Нос чекадиганлар бир кунда 3-5 граммдан 15-20 марта чекишади. Носнинг ўндан ортқ тури бор. Унинг «ўткир» бўлиши таркибига, моддалар миқдорига боғлиқ, маса-

лан, нос таркибига оҳак кўп бўлса, «яхши», «ўткир» ҳисобланади. Аслида оҳак носнинг тил остида қонга тезроқ сўрилиши ва таъсир кучини тезлаштириш учун қўшилади.

Зарарли томонлари

Оҳак ва бошқа моддалар оғиз бўшлиғига зарарли таъсир қилади. Узоқ вақт оҳакнинг таъсири оқибатида сўлак безлари фаолияти бузилади, шиллик парда яллиғланади. Кўп чекиш ҳатто, оғиз бўшлиғи рақини келтириб чиқаради (статистика маълумотларга кўра, турли аъзоларнинг рак бўлиши нос чекувчилар орасида бошқа беморларга нисбатан етти марта кўпроқ учрайди). Нос меъда-ичак фаолиятини ҳам бузади, яра пайдо бўлишини тезлаштиради.

Энг ёмони, нос чекувчилар унга жуда қаттиқ боғланиб қолишлари натижасида бошқа кўпгина касалликлардан ташқари, асабий, тунд ва маънан заиф кишига айланади. Носга ўрганган одам иродасизлиги туфайли ундан қутула олмайди. Соғлигини йўқотгандан кейин носдан қутуламан деб қийналгандан кўра, ҳеч қачон чекмаган маъкул.

Сафар МУХАММАДИЕВ,
доцент.

СЎРАГАН ЭКАНСИЗ

ХАЛҚ ТАБОБАТИ

ГАСТРИТ

Вақтида овқатланмаслик, кўчада сифатсиз таомларни шошиб истеъмол қилиш, шунингдек, меъдран ортқ спиртли ичимлик ичиш, чекиш оқибатида меъда шиллик қавати яллиғланиши мумкин. Бу хасталик тиббийётда гастрит деб юритилади...

Гастритнинг олдини олиш учун ўсимликлардан тайёрланган қуйидаги дориларни тавсия этамиз: Эслатма: ушбу қуритилган шифо гиёҳларни дорихоналардан сотиб олиш мумкин.

Дамлама

20 г гуллаган бўйимодароннинг юқори қисми (тысяче листник), 15 г укроп уруғи, 15 г зубтурум (подорожник), 10 г наъматак меваси, 10 г далаочой, 5 г зигир уруғи, 5 г сарикочой ўти, 5 г эрмон ўти, 5 г тирноқул ўти, 5 г мойчечак гули.

2 ошқошиқ хомашёни 0,5 л термосда дамлаб, 12 соатга қўйиб қўйилади. Ичишдан олдин бир стакан дамламада 1 ошқошиқ асал эритилади, овқатдан олдин 0,5 стакандан 1 кунда 4 маҳал илтиб ичилади.

Қайнатма

Усти ёпиладиган идишга 0,5 л сув қўйилади, устига қуйидаги қуритилган ўтларни солиб, бир оз қайнатилади. Қайнатма 2-5 соат тиндириб, докадан сузинг. 1 стакан дамламада 1 ошқошиқ асал эритилади ҳамда овқатдан олдин 0,5 стакандан 1 кунда 4 маҳал илтиб ичилади.

1-усул: 20 г зигир уруғи, 20 г укроп уруғи, 20 г қизилмия илди, 10 г жўка гули, 10 г ялпиз ўти.

2-усул: 20 г тирноқул гуллари, 20 г мойчечак гуллари, 20 г шўрмушқуқуруғи, 20 г иттиканак, 20 г бўйимодарон ўти.

Шарбат

Янги картошканинг сувини сиқиб олиб (ярим стакан), 1 ошқошиқ асални яхшилаб аралаштирсангиз, сизга зарур шарбат тайёр бўлади. Шарбатни бир кунда 3 маҳал овқатлашдан ярим соат олдин ичиш керак.

Холмурод ДАДАЕВ,
тиббийёт фанлари номзоди.

Ер юзида қанча инсон истиқомат қилса, барчасининг феъл-атвори турфа. Кимдир хушмуомала, ҳар қандай қалтис вазиятда ҳам ўзини боса олади. Аммо кимдир битта сўз билан юракни ярашлага қодир.

Биринчи манзара

Туманлардан бирига қатнайдиған «Форд» шахарга лиқ тўла одам билан келарди. Манзилга етай деганда, бир аёл:

— Муюлишда тўхтатворинг, ака. Болаларим билан бекатдан қайтиб келишга қийналаман, — деб қолди.

— Нима? Хозиргина тўхтадим-ку, тушмадингизми?

— Тўхтаб қўяқолинг, илтимос!

— Уф!

«Форд» силтаниб тўхтади. Жувон бир қўлтиғига қақалоғини олиб, иккинчисига сал каттароғини, қўлига эса оғир сумкаларини кўтарганча пастга тушишга ошиқди. Лекин тирбанд одамлар унга йўл берай демасди.

— Бўлди-ми? — бақирди шофёр ён тарафдаги ойнага назар ташлаб.

— Хозир, ҳозир.

Орадан атиги икки ёч дақиқа ўтди.

— Вей, бунча имиллайсан-а? Тушаркансан, тайёр бўлиб турмайсанми?..

Шофёр оғзига келган гапни қайтармасди. Ёши каттароқ бир киши эътироз билдиргани, уни ҳам гап билан қайтариб ташлади.

— Йўлқирани бермайсизми? — шофёрнинг ёрдамчиси аёлга ўшқирди.

— Мана, мана! — аёл кафтида ғижимланиб кетган пулларни йигитга узатди.

Аёл пастга тушиб олди. Боласини ерга қўйarkan, намланган кўзларини енгилан артди...

«Эрта тонғи бир кўнгилга озор бериш билан бошлаган «Форд»чининг шохбекатдаги навбатга шоша-шоша тоғганида бугун барака бўлармикан?»

Кўнгилмдан шу ўй ўтди.

ОТДАН ТУШИБ, СЎРАШИНГ!



Иккинчи манзара

Бозордан. Пайпоқлар сотиладиган раста ёнида турсам, у ерга ёши олтимышлардан ошган онахон келди.

— Мана бу пайпоғингиз неча сўм, ўғлим? — у полвонкелбат (!) сотувчи йигитга юзланди.

— 1200 сўм!

— Сал арзонроққа бермайсизми?

— Сотилиши шу!

— 1000 сўмга берақолинг...

— Бўладигани шу дедим-ку!

Онахон пайпоқнинг у ёқ — бу ёғини кўрди. Ўйланиб туриб қолди. Пулини чамалади шекилли. Сотиб олишга қарор қилди чоғи, сотувчига яна юзланди:

— Кўк ранглисидан йўқми?

Йигит раста тагига энгашиб, сумка

титишга тушиб кетди. Бироздан кейин аёл айтган рангдаги пайпоқни топиб, унинг олдида ташлади.

яхши биласизми?» деган мавзуда давра суҳбати ўтказдик. Илгарилари «Сиз бўла-жак жуфтингизнинг саломатлиги ҳақида ҳеч қизиқиб кўрганмисиз?», «Қудалар яқин қариндош эмасми?» деган саволларни кўпчилик орасида айтишга ҳам андиша қилардик. Энди эса одамларнинг ўзлари шундай мавзулар хусусида бемалол суҳбатлашишяпти. Қиз ёки йигитнинг қўлида касб-хунари бор-йўқлиги, маънавий дунёси билан ҳам бевосита қизиқишяпти, сўраб-суриштиряпти. Шу маънода биз учрашуларда тест саволлари билан йи-рилганларга мурожаат қилиб, никоҳ, оила масалалари бўйича уларнинг тушунча ва қарашларини аниқлаймиш. Бу ушбу жиддий масалада бизга қайси жиҳатларга кўпроқ эътибор қаратиш кераклигини кўрсатувчи барометр бўлаяпти. Аниқса, ҳукуматимизнинг никоҳдан ўтаётган ёшларнинг тиббий қўриқдан ўтказиш билан боғлиқ қарори уларга ўз ҳаёт риштасини боғламоқчи бўлган инсоннинг саломатли-ги ҳақида тўлиқ маълумот олиш имкони-ни бермоқда. Унга кўра, никоҳланувчи шахслар рухий, наркологиқ, тери-тано-сил, сил касалликлари ва ОИВ-ОИТС бўйича тиббий қўриқдан ўтишлари бел-гилаб қўйилган. Бу тартиб албатта ўз са-марасини берапти.

имтиёзлардан фойдалана олмагач, охи-ри бизга мурожаат қилишади. Бу ҳам майли, баъзида бундай никоҳларнинг бекор этилаётгани туфайли ҳам аёллар, ҳам болалар жабр кўрмоқда. Қўлида бо-ласи билан бошпанасиз, арзини кимга айтишини, қаердан нажот топишни бил-май юрганлар ҳам афсуски, учраяпти. Бундай ноқонуний ишларга йўл қўймас-лик учун аввало ёшларимиз онгиде, шу билан бирга катталар ўртасида ҳам ҳуқуқий маданият тушунчасини шакллан-тириш лозим. Чунки ҳали оила ҳақида тўла тушунчага эга бўлмаган, қўлида дип-ломи, бирор-бир тайинли касби, хунари йўқ ёшлар ота-онанинг кўмаги, етими ва соғисиде фарзандли бўлишиб, рўзгор оиланинг оғир «ола хуржун»ни тарта олмай қийналаётгани ҳам бор гап. Шун-нинг учун никоҳ масаласини ўта шахсий масала деб ёшларнинг ўзларига ташлаб қўйиш керак эмас. Биз — ваколатли идо-ралар, шифокорлар маҳалла фаоллари, кўпни кўрган ота-оналар, ҳаммамиз улар-га ибрат бўлайлик, тўғри йўл кўрсатай-лик.

Инобат БОБОКУЛОВА,
Самарқанд вилояти,
Нуробод тумани ФХДё бўлими
мудир.

КАМПИРЛАРГА НЕ ДЕЙМАН?

ЎТГАН АСР ҲИКОЯСИ

Келиним билан ўғлимда, ойм ҳам борсинлар, деб оёқ тираб туриб олган. «Ёшқизлар, ўзинглар кетаверинглар», десам-да, унашмади. «Сиз ҳам умрингизда бир марта балет кўринг...», дейишди. Ўйлаб-ўйлаб, хўш нима қилибди, ўладиган дунёда кўриб қолиш керак, дедим. Хўп, дедим биланқо келинимнинг оёғи олти, қўли етти бўлиб кетди. Шкафдан дарров шерст қўйлагимни, қора духоба ним-чамни олиб чиқди. Ўғлим бошим-да гирди капалак: ҳали у рўмо-лимни олиб чиқади, ҳали бунисини. Бир вақт рўмолим қолиб, қўлимга махсимни тутқазида, не-гадир хиринг-хиринг қулади. «Ҳа, нега мунча шайтонинг кўзи қолди?» десам, баттар қулади. Бир вақт махсимни қияй десам, оёғим кирмайди. Ичига алланарса тикилган. Шошиб сугуриб олсам, патинка. Таги азбаройи худо, оппоқ кўпика ўхшайди. «Бу ким-га?» — десам, «сизга-да, кийиб борасиз» дейишди. «Қариганда қармоққа тушибди, энди патинка қияманми?» — дедим. Ҳеч қўйиш-мади, кийдим. Оёғимга қўйиб қўйгандек лоппа-лойиқ экан.


Энди денг кўчага чиқсам, маҳалладаги кампирлар бир тўда бўлиб Саврибонункига мовлуд-га кетишаркан экан. Мени ҳам айтишувди-я келиним билан ўғлим миямини қалғитиб, эсим-дан чиқиб кетибди. Энди нима қилдим-а? Қўришса, хойнаҳой даврада меннинг дostonим бўла-ди. Оғизга тушгандан кўра, шу-кур қилиб уйимда ўтирсам бўлмасми?

Ўзимни орқага олдим у қоқила-суқила йўлакка қайтиб кирдим. «Кечикамиз, ойи-жон, юринг», — деб зўрлашди. Бола-ларим. Қани энди бетим чидаб чиқа олсам. Келиним бўлса қуй-нада: «Уларнинг сиз билан нима иши бор, сиз мустақил одамсиз», дейди. Ўғлим ҳам: «Шуларнинг олди-дан кўрагингизни кериб ўтмайсизми, ум-рлариде театр кўришибдимми?» — дейди. Хул-лас, остона ҳат-лаб кўчага чиқ-дим у, ўзимни анча тутиб ол-дим.

Мана энди, кетяпман денг, у ёнимда онаги-нанг буйларинг-дан айлангур келиним, бу ёнимда ўғлим. Рўмолимнинг бир учини ўққа, бир учини бу ёққа ташлаган-ман. Эгнимда эса келиним бил-лан неча марта мошинаникига бора-бора тиктирган янги пальто. Оёғимга қарайман. Ярак-ярак қилади. Кампирлар-нинг кўзлари менга туши-ю, оғизлари туз соладиган қўқачам-дек очилиб қолди. Сир бўи бер-майману, ич-ичимдан суюнаман, десангиз. Бирдан пичирлаб қолишди улар. Сесзам ҳам,

сезмасликка оламан ўзимни. Барибир тешиқ қулоқ бўлгандан кейин эшитаркан. «Ёшариб кет-тибдимми, кўргур?» — дейишга-ни қулоғимга чалинади. Доим менга пичинг гап қилиб юрадиган чийилдоқ кампир мингиллаб қолди:

— Йўл бўлсин?



— Театруга, опиро ва балит театрусига, — дедим оғзимни тўлдириб. Қаддимни ростладим, ўғлим айтгандек, кўрагини кериб олдим. Ёш қизлардай пилдиллаб кетдим. Орқамдан қараб қолишганини сезиб турибман-да...

Театрга борибмиз денг, ана бино-ю мана бино. Эшигидан

кираётиб, кўзим жимирлаб кет-ди. Патинкани босгани кўзим қиймайди, гўё ери увол бўлади-гандек. Ийманиброк залга кир-дим. Зали ҳам ҳовлимизга уч хисса келаркан чамамда. Тўғри-га қизил гижим духобадан пар-да ташлаб қўйилган. Лоп этиб эсимга онам бечора тушди. Худди шунақа духоба деб сал қолган экан, отам шўрлик билан қўйди-чикди бўлишларига. Тўнғич ўғлим тўғилганде ўшан-да. Бешиқнинг ҳеч бўлмаса бир томонидаги говрапешига қизил духоба қилгилари келибди. Увалло уринибдилар, эпини қилолмабдилар. Қаранг-а, ўша вақтда театр деган нарсас бўл-маган экан-да. Бўлмаса, оксоко-лидан бир оғиз сўрасалар, шу-на духобаси туриб ўлибдимми бир говрапешлик бермай.

Ўтирганимиздан сўнг бир маҳал алланарса гўмбирлаб кет-ди. Сапчиб тушдим. Бояғи ду-хоба парда чайқалиб-чайқалиб очилди. Бирдан гижжак йиғлаб юборди. Юрагим алламбало бўлиб кетди. Кейин десангиз, саҳнага бир дунё қиз югуриб қичди. Бири қўйлагининг ёнини йиртиб қўйибди, бирининг қуй-лаги домлапаччанининг салласи-дек хўппайиб турибди. Уларни кўриб хушим оғиб қолаёзди. Ерга ойнанинг синигини сочиб юборишганим, ишқилиб ҳамма-си тоvonини қўйишга кўрқадди. Ёёғининг учиде юришди. Битаси — бели бир қисм келадигани, бирдан қилтиллаб кетди-ю оёғини ерга қўйиб юборди. Яна йўралаб қочди.


Бу ҳам ҳовла экан. Бир вақт ичкаридан ярим яланғоч қиз ка-мондек отилиб чиқди. Унинг кийимини кўриб, ўғлимнинг ол-дида ерга қириб кетай дедим. Кетидан ховлиққанча бир йигит қолиб қичди. Халиги йигит қизга етиб олди-ю бармоқларини уш-лаб, афтингда кўзинг борми, демасдан уни чир-чир айланти-ра бошлади. Қиз бечора даг-даг титраб, тўхтамоқчи эди, йигит бир бурчакка борволиб, унга ўқрайганча яниб турди. Оббо, энди бир бало қилади, дедим. Қиз учиб келиб унга ўзини олди. Йигит уни илиб олди-ю яна ос-монга қараб улуктирди. Юрагим шув этиб, кўзимни чирт қоиб олдим. «Адойи тамом бўлди, ерга тушиб, чил-парчин бўлади» деб кўриб турувдим, ҳамма не-гадир чапак чалиб юборди. Кўзимни қия очиб қарасам, минг қатла шуқурким, қиз омон экан. Ўзимга келиб, бундай қарасам, саҳна бекилиб қолибди. Шу пайт «Ёқдимми, ойи?» деб қолди кели-ним. Мен бўлсам: «Дарров та-мом бўлдимми?» деб юборибман. Атрофдагилар «гурр» этиб қулиб юборишди. Изза бўлиб кетдим, айланай.

— Кампирларингизга нима дейсиз? — деди кулги аралаш ўғлим қайтаётганимизда.

Қаранг-а, келишга келиб-ман, шундай томошани қўриш-га қўрибману кампирларга нима дейишимни ўйламаган эканман. Ростданам, нима дейман? Яхши-си, сизлар ҳам юрибсизлар-да бир четда, бориб балетни кўринглар, дейман...

Яйра САЪДУЛЛАЕВА

МАШХУРЛАР ҲАЁТИ



Хатто бугунги кун кишиси учун унга нисбатан «хом сут эмган банд» иборасини ишлатиш анчайин эриш туюлади. Зеро, ҳар қандай давр, ҳар қандай замонда, хатто ўрта асрларга келиб, бу файласуфнинг қарашларига нисбатан иқтидорли олимлар томонидан ҳужумлар уюштирила бошлаган чоғда ҳам, Арасту инсониятнинг энг оқил кишиларидан бири сифатида тан олинган. У хатто бизнинг давримизда ҳам комиллик мезони сифатида қадрланади.

нади.

Ҳа, Арастунинг энг асосий хатоси юқорида келтирилган ҳолатдан келиб чиққан эди: ўзи ва ўзини ўраб турган оқушни улуғлаган ҳолда, қолган барча нарса, ҳодисалар ўз олами, дунёсига хизмат қилиш учун яратилган, деган фикр асосида пайдо бўлди. Уша — греклар ва варварлар борасидаги гап ҳам Арастунинг барча нарса мендан бошланади, деганга ўхшаш ғояси ҳосиласи эди. Унинг шу фикри хатто

кечга бориб ботади, ҳуллас, ернинг атрофида айланади. Кечаси эса, ғоят хайратли бир тарзда юлдузлар бир-бирларига нисбатан жойларини ўзгартирмаган ҳолда, шамол ҳайдаган ҳазонлар каби Шарқдан Ғарбга қараб йўналади. Бунинг изохи оддий — улар назарида ернинг атрофида айланаётган саккизинчи осмон — гумбазга ёпиштирилиб, эҳтимол, михлаб қўйилган. Фақат еттита ёриткич осмон бўйлаб ҳали у ёққа, ҳали бу ёққа кезиб

ХОМ СУТ ЭМГАН БАНДА

Аммо барибир: беайб парвардигор, дейишганидек, Арасту қарашларида-да ҳам қатор хатолар мавжуд эди ва бу аллақачон исботлаб берилган. Умуман олганда, бу табиий ҳол. Фақат эътиборли томони шундаки, улуғ одамларнинг хатолари ҳам улуғ бўлиб, улар бани башарга сабоқ бера олишга қодир экан...

Шу ўринда айтиш лозимки, Сукрот, Афлотун, Арасту — уларнинг учаласи ҳам устоз ва шоғирдликнинг буюк намунаси саналади. Фақат Арастуғина ўз билимини ёшларга ўргатишда ўзгача йўл танлаган. Ва натижада унинг таълимини олган Искандар ўз билими, кучини бошқа йўлларда сарфлади. Натижада буюк шахсларнинг шундай бир занжири узилиб қолди. Яратувчанликка йўналтирилмаган билим инкирозга юз тутди.

Бу икки буюк инсон ўртасидаги муносабатларга тўхталинар экан, бир қарашда кичик кўринган, асл замирида дунёқарашнинг асоси ётган ҳолатни қайд этиб ўтмасликнинг имкони йўқ. Арасту Искандарга тарбия бериб, одамларни фақат икки турга бўлади: греклар ва варварлар (ушбу услуб ханузга қадар қайси маънададир инсониятни таъкиб қилиб келади ва уни барча ўз билганича қўллашга ҳаракат қилади. Аслида бу бир миллат ва бошқалар орасидаги муносабатлар эмас, балки ўзгалар фикрига тоқат қилиш масаласи). **Файласуф бўлажак жаҳонгир грекларга ўз укасидай, варварларга эса қуллардай муносабатда бўлишни маслаҳат беради.** Инсонларни бу тарзда бўлиш файласуфнинг катта хатоси эди. Буни оддий хато деб аташ ва эътиборсиз қолдириш мумкин, аммо гап шундаки, масала айна шу фикрнинг ўзида эмас, балки унинг замири, у асос қилиб олинган пойдевор, услубдир. Бу файласуфнинг хато фикри эмас, балки фикрлаш услубининг хатоси эди, яъни тафаккурнинг мутлақо хато қарашлар устига қурилганида эди. Бу асос Арастунинг барча хатолари учун пойдевор ҳисобла-

ёхуд Арастунинг хатолари...

илмий қарашларига ҳам ўз соясини ташлади, таъсир кўрсатди. Бу инсоннинг манмаллик табиатидан келиб чиқадиган, ўзини олам марказидан деб ҳаёл қилиши натижаси. Ўз миллатини ўзгалардан устун қўядиган, ўзи яшаб турган жойни маданият ўчоғи деб ҳисоблаб, қолганларни тан олмайдиган киши, шубҳасиз Ер ниманингдир атрофида айланишига ҳам ишонмайди. Бу фикрни ҳазм қилолмайди. Чунки у олам атрофимда айланади, деб ҳаёл қилмайдиган, худбинроқ кишилар тоифасидан бўлган. Илмий қарашлари ҳам шу фикрдан озикланиб, ривожланган.

Арасту ўзи истикомат қиладиган ернинг иккинчи даражали сайёра эканини ҳазм қилолмайди.

Бир сўз билан айтганда, Арастунинг асосий хатоси бу — геоцентризм, яъни оламнинг ер атрофида айланиши ғоясини тарғиб этиши эди. Холбуки, йиғирма йил давомида тахсилни олган устози Афлотун гелиоцентризм (оламнинг қуёш атрофида айланиши) фикрида қаттиқ турган. Арасту қарашлари асосида кейинчалик Птоломей олам тузилиши тўғрисидаги бутун бошли бир механизмни ишлаб чиқди. Айнан ишлаб чиқди, аниқламади. Птоломей ҳорий этган тизим ўзининг мураккаблиги билан ажрალიб турар эди. Шунга қарамай, ҳолатни изоҳлаб бергани сабабли минг йилдан ортиқроқ вақт давомида ундан коинот тўғрисидаги асосий тушунча ва қўлланма сифатида фойдаланиб келинди. Уша системага таянган ҳолда океанларда кемалар сузди, сарҳоларда қарвонлар юрди, адашиб кетмади. Бу ёлғон бўлса-да, аниқ, далилланган ёлғон эди. Бошқачароқ талқин қилинса, ёлғоннинг ҳақиқат сифатида исботланиши эди.

Арасту «олам-и эса нисбатан тушунчарли, ақлли ва энг асосийси, инсониятнинг худбинлик феълига тўлиқ жавоб берди. Бу олам марказида ер мустаҳкам, қимирламасдан туради. Эрталаб қуёш чиқиб,

юради. Шу сабабли тушунарсиз равишда ўз ҳолатларини ўзгартириб, сайр қилиб юрувчи бу дайдиларни «сайёра» деб аташди.

Бундан ташқари, Арасту қуёшни булутлар орасида юради, деб тасаввур қилган бўлса керак. Унинг «Метрологика» асаридан шундай хулоса келиб чиқади. Бир жойда у қуёш атрофидаги булутларни эритиб юбориши хусусида сўз юритса, иккинчи ҳолатда эса қуёш атрофидаги халқнинг ҳолатига қараб, об-ҳавони олдиндан айтиб бериш хусусида гапиради. Ўзига хос томони шундан иборатки, у қуёш атрофидаги халқа бузилса шамол бўлади, деган хулосага боради. Чунки, дейди у, халқани шамол бузади, лекин у ҳозирча ерга етиб келмаган бўлади. Бизнинг даврда эса кўпчилик айнан халқанинг ўзи шамол бўлишидан дарак беради, дейди. Аммо буниси муҳим эмас. Аҳамиятлиси, у вазиятга тескари томондан ёндашади.

Арасту хатоларидан яна бири кейинчалик Колумбнинг Американи очишига сабаб бўлди. У Африка билан Ҳиндистонни солиштириб, иккаласининг бир-бирига ўхшашигига асосланиб, сув билан Ғарбга қараб сузиш орқали Ҳиндистонга бориш мумкин, деган хулосага келди.

Арасту тили жуда мураккаб. Ундан аниқ бир хулосаларни чиқариш шунчалар мушкулки, кишида файласуф атайлаб, келажак авлод бироз қийналсин, деб шу йўсинда ёзганмиди, деган тасаввур ҳам уйғонади. Бу ҳолат арастучилар ва уларнинг душманларини кўп вақтлар давомида бир-бири билан тортишиб юришига сабаб бўлди.

Булардан ташқари Арасту табиатда икки хил — мутлақ оғир ва енгил жисмлар мавжуд, деган фикрда эди. Оғирларни ўзининг табиий жойи — олам маркази — ерга интилади, енгилларни ҳам ўзларининг табиий жойи — оламнинг чеккасига томон ҳаракат қилади. Унингча айнан шу

Исмоил ШОМУРОДОВ

сабабли барча қаттиқ жисмлар ерда тўпланган, осмондагилар эса енгил нарсалар. Ой, Қуёшнинг идеал шарлиги ҳам айнан мана шундан.

Файласуф бу ҳолатларни изоҳламай, сабабини топмай, «табиий жойлари», деган ибора билан сийпалаб кетаверади. **Холбуки, бундан анча бурун Арасту ҳушламайдиган моддийончи файласуф Демокрит барча жисмлар оғир ва ерга интилади, енгил жисмларнинг кўкка интилиши кўринишигагина шундай, аслида уларни оғирроқ нарсалар юқориға сиқиб чиқади, деган ҳақиқатга яқинроқ ғояни илгари сурган эди.** Файласуф эса бу ҳолатни менсимай, ўзининг шарҳланмаган, изоҳланмаган хулосаларини илгари сурди.

Декарт Арасту юрак уриши, унинг иш фаолияти хусусида ҳеч нарса билмайдиган, деган фикрни берди. Холбуки у сарой табибининг ўғли эди. У юрак уриши тўғрисида ҳам ўз фикрини баён этиб, айтдики, «қабул қилинган овқат шарбати юракка кириб, унинг терисини кўтарари». Худди шу каби ўзи билмаган нарсалар хусусида ҳам тахминий хулосалар чиқариб кетавергани сабабли Декарт Арастунинг носамимийликда айблади. Афлотун ўзи билмаган нарсалар хусусида ҳеч нарса демагани ҳолда, Арасту аслида ўзи тушунмаган, тўғрилигига ишонмаган жиҳатларни ҳам ҳақиқат сифатида тақдим этаверарди, деган ҳаққоний хулосага келади у.

Хуллас, файласуфнинг кўпгина фикрлари бугунги кун нуқтаи назаридан олиб қарагандагина эмас (агар шундай бўлганда бу хусусида гапириш адолатсизлик эди), балки ўз замонасидаги вазиятдан келиб чиққанда ҳам хато эди. Арасту моддийончи Демокритни нафақат ёқтирмаган, балки учраган жойда унинг китобларини харид қилиб, ёқиб юборишни одат қилган ва шу орқали анча қимматбаҳо кўлёмаларнинг қилини кўкка совурган Афлотуннинг содиқ шоғирди сифатида моддийончиларни ҳушламайди. Йўл қўйган кўпгина хатолари айнан шу — унинг моддийончиларга нисбатан айрича кўз билан қарashi сабабли келиб чиққан.


Буюк одамларнинг оддий кишилардан фарқи — улар кенгрок мулоҳаза қилади ва узоқни кўра олади. Бироқ улар ҳам бошқаларга ўхшаб адашади, хатоларга йўл қўлади. Уларни ҳам текшириб, тўғрилаб турish лозим.

Аслида эса, **ҳақиқат Арастудан ҳам улуг.**

Қолаверса, ҳақиқий Искандар билан кишилар онги, тасаввуридagi Искандар орасида улкан тафовут бўлгани каби, олим Арасту билан кишилар тасаввури ўртасидаги Арасту ўртасида ҳам катта фарқ бор. Иккинчиси аллақачон биринчисига тегишли эмас. У оқилликнинг синонимига айланиб қолган.

Оддий ҳақиқат шу: барча адашишга ҳақли, лекин ҳамма ўз хатоси учун ўзи жавоб бериши керак!

ШЕЪРИЯТ



Али НИЁЗ — 1950 йилда Ғузур туманининг Тошғузур қишлоғида туғилган.

«Сиз мени билмайсиз» (1991), «Ҳаётнинг бир парчаси» (1995), «Вақт зарби» (2006), «Таҳайюл» (2009) номли шеърый китоблари чоп қилинган.

БУҒДОЙ ДОНАСИДАЙ ЮРАГИМ БЎЛИҚ

Сиз бахтли аёлсиз,
Бахтиёр Аёл...
Сизга қараб туриб,
Ҳайлайман хиёл.
Севги қучоғида
Ўзини топган,
Севилган муқаддас
Ватандай Аёл...
Қаршингизда алп каби
Тураман ёниб,
Эгилмас бу бошим
Эгилар — голиб.
Бўсалар оламан
Қониб ва қониб,
Севилган муқаддас
Ватандай Аёл...
Не-не Алломишлар,
Ой Барчинлар,
Ўтди қанча Фарҳод —
Шири ойлари,
сизни деб от сурди,
Юрт лочинлари,

Севилган муқаддас
Ватандай Аёл...
Бугун қаршингизда,
Шеърлар тўқийман,
Ҳар сўзим қуйдан
Ишқини ўқийман.
Агар истасангиз,
Йўқман —
Уф дейман,
Севилган муқаддас
Ватандай Аёл...
Бағрингизга қириб,
Сингиб кетдим-ку.
Вужуд титраб мана,
Эриб битдим-ку.
Бахтиёр сиз билан,
Бахтни тутдим-ку.
Севилган муқаддас
Ватандай Аёл.

Менга иймон беринг,
Қаноат беринг.

Менга имкон беринг,
Мухаббат беринг.
Менга савол беринг,
Садоқат беринг.
Худода минг қатла
Шукурлар дейман.
Содда банд эдим
Осмонни бўйлаб.
Яшаи — қураш дедим
Дунёни ўйлаб.
Ўзини қуйлаб.
Худода минг қатла
Шукурлар дейман.
Бошимда бошпанам
Бор экан қутлуг.
Бугдой донасидай
Юрагим бўлиқ
Дўстлар даврасида
Мартабам улуг.
Худода минг қатла
Шукурлар дейман.
Олис йўл, қўрман
Қисматда борин.

Бахтим бут, омонман
Армоним, зорим,
Қисмат шу, эгилмадим
Сотмадим орим,
Худода минг қатла
Шукурлар дейман.

Тиниқ сўзга айланиб қолсам,
Чанқоғингни боссам бир қарра.
Ҳар тонг юзинг ювиб қувонсанг,
Сув бўлардим миллион зарра...

Тиниқ сўзга айланиб қолсам,
Чўмилтирсам сени бағримда.
Танинг яйраб, сен ором олсанг,
Оқар эдим доим боғингда.

Тиниқ сўзга айланиб қолсам,
Энг ёмон — қизғинмас эдинг.
Бу дунёда сўздай бўлолсам —
Мен бу қадар бўлмасам эдим.

Али НИЁЗ

БОЙЛАР НЕДАН ЙИҒЛАЙДИ?

(ёхуд тўқликка шўхлик қилманг)

Яқинда Канада медицина ассоциацияси журнали ОИВ/ОИТС касаллигининг аниқ қатлами ҳақидаги тадқиқотларни эълон қилди. Оттаванинг ОИТС муаммолари бўйича тажрибахонаси бошлиғи, профессор Артур Жонс ушбу дарди бедаво касаллигининг жаҳонда тарқалиши борасидаги саволларга қуйидагига жавоб берди.

— Агар илгари ОИВ инфекцияси дунё бўйича асосан аҳолининг кам таъминланган қатлами орасида кенг тарқалган деб ҳисобланган бўлса, айти пайтда бу касаллика) бойлар ва ўта бойлар орасида етакчилик қилмоқда.

— Ажабо, бундан қандай тушунса бўлади? — деган саволга олим шундай жавоб берди:

— Гап шундаки, таъминланган, айтик, тез муддатда бойиб кетган одамларнинг руҳияти ҳам кескин ўзгаради. Улардаги ўз-ўзини ҳимоя қилиш тизими ишдан чиқади. Ана шундай пайтда мия, гўёки ўз-ўзини ҳимоя қила бошлайди, яъни мианинг маълум майдонлари доимий тар-

зда адреналинга ўхшаш гармонларга эҳтиёж сезади. Бизнинг тажрибамизда иштирок этган мижозларда мианинг айнан шу қисмида кучли кўзғалиш борлиги аниқланди.

Мианинг ана шундай фаолиятида яъни «тўқлик-

ҳимоя қилиш тизимини ишдан чиқаради. Шу сабаб ҳозирги кунда нафақат В гепатити, балки ОИВ/ОИТС ҳам бой-бадавлат одамлар орасида кўп учрайдиган бўлиб қолди.

Ачинарлиси, улар шу қадар хотиржамки, кўпинча бу дард улардан бирор-бир сабаб билан таҳлил (қон анализи) олинганда ёхуд ОИВнинг аниқ-тиниқ белгилари юзага чиқа бошлагандагина аниқланади.

Профессор Артур Жонс мутахассис сифатида моддий таъминоти юқори бўлганлар, яъни бойларга шундай маслаҳат беради:

— Ўзингизга қаранг. Ахир тақдир олдида шоху гадо бир! Агар сиз, менга ҳамма нарсаси мумкин, истаганимни қила олам, деган ҳаёлга кела бошласангиз, демек, сиз биз юқорида баён этган «хавф» тугдирувчи гуруҳга кирган бўласиз.

ЖОАВ дан олинди.

АЖАБО!



дан оч қолиш» пайтида аёллар кўпинча ичкиликка, чекишга ёки гийҳвандликка бериладилар. Эркаклар эса мия талаб этаётган адреналин миқдорини зино билан қондирмоқчи бўладилар. Энг ёмони, бундай эркаклар мия фаолиятида «менга ҳеч нарсаси қилмайди» деган эйфорик ҳис устунлик қилиб туради. Айнан шу нарсаси организмдаги ўз-ўзини

БИЛАСИЗМИ?

ЯРИМ ЛИТР КЎЗЁШИ

Тадқиқотчилар инсон организмнинг бир кун, бир ой ва бир йил давомида қай даражада ўзгариб туришини ҳисоблаб чиқдилар.

Бир дақиқада 80 маротаба

урувчи инсон юраги бу вақтда беш литр қонни айлантиради. Бир йил мобайнида 42 миллион карра қисқарган юракдан ўтган қон миқдори нақ бир нечта сузиш бассейниларини тўлғизишга етаркан.

Инсон қонида эса 35 миллион қизил қон таначалари мавжуд бўлиб, улар ҳар тўрт ойда тўлиқ янгиланиб туради. Ҳар 600 та қизил қон таначалари эса бор-йўғи битта оқ қон таначаси тўғри келар экан.

Кўз ёшларини эса биз бир йил давомида ярим литр миқдоргача тўққанмиш. Аммо бундан ташқари, кўзларимиз ҳар уч секундда кўз соққаларимиз намлигини сақлаш учун пирпирлаб туракан. Бу эса оз эмас, кўп эмас, бир йилда 10 миллионга мускул қисқариши дегандир.

Инсон хотиржам турган ҳолда бир дақиқада 16 марта нафас чиқариб ва бу пайт оралиғида 8 литр ҳажмгача ҳаво-

ни ютаркан. Шу боис бўлса керак, ҳар куни нафас олиш жараёнида инсон бир ярим литр су-юқлик йўқотади.

Инсон қўлидаги тирноқлар ойига атиги 0,6 см. гача ўсади.



Йил давомида унинг узунлиги 7,7 см.га етиб қоларкан. Оёқ тирноқлари эса икки карра суст-роқ ўсади.

Йил давомида инсон ўзининг тери қатламини уч бор ўзгартириб, терининг ўлик қисмлари тирик таначалар билан 120 кун давомида қопланар экан.

БИЛСА ҲАЗИЛ...

МАСТЛИК БОСҚИЧИ

Дастлабки юз граммни ичгач: Мана бир соатки, шу жонандан кўз узолмай ўтирибман. Ҳа, унинг қадди-бас-тига гап йўқ. Шунангки келишганки, беихтиёр унга қўл узатиб, кучиб олгинг келади. Аммо ўзи унча чиройли эмас. Бурни ҳам пучқими-ей. Лаби дўрдоқ. Кўзларини «писса». Оёқлари-чи, оёқлар? Шу чалиштириб ўтирган оёқлари жиндай узунроқ бўлганда-ку ҳеч камчилиги бўлмасди. Аммо намуна димоғи осмонда бунинг? Ўзини жудаям кетворган деб ўйлаётганим, нима бало? Э, раҳмат деса-чи, унга мендек бир йигит эътибор қаратганига. Эҳ! Шу «Матиз»-имга бир миндириб, «катайса» қилдириб, иккита ширин гапирсам, тамом, эриб турибди-ю... аммо зарил кептимиз? У меннинг дидимга тўғри келмайди.

Иккинчи юз граммдан кейин: Ним-мага шу бечора қиздан кир қидириб қолдим ўзи? Балки у яхшидир, инсон сифатида. Балки ундан туппа-тузук хотин ҳам чиқар. Кола-верса, ҳамма нарсаси фақат ташқи кўринишга боғлиқ эмас-ку!

Учинчи юз граммдан кейин: Э й-йўқ! Ҳар ҳолда унинг ана шу бўёқ чаппаб ташланган башарасида бари-бир нимадир бор. Шу-унча пардоз-андоз билан ҳам асли бир кўримсиз-гина нарсаси эканлиги биллиниб турибди-ку-я... Аммо бундан баттарлари ҳам бўлади-ку? Оёқларига келсак эса... Бўлади. Умуман, чакки эмас.

Тўртинчи юз граммдан кейин. А-ааа! Б...бўлди!!! Тушундим. Бу ўлгурнинг ўзи менга кўз сузиб турибди-ку! Мен овсар бўлса, уни қандай аврашни билмай, бош қотириб ўтирибман-а? Ҳа, бу қиз (балки жувондир) ўз қаддини яхши билади шекилли, мени танлади.

Бир шиша кетиб бўлгач. Во! Фақат ҳақиқий аёлгина мана шундай нигоҳ ташлаши мумкин! Ох, унинг бу қарашлари мени ўлдирдиш аниқ! Ў-ўў қандай жон-нон. Қандай жон-нон!

Иккинчи шиша ҳам соб бўлгач. Й-йўқ! Мен унга муносиб эмасман. Бундай... бун-нақасига муносиб бўлиш учун қамада «Ласеттин» бўлиши керак, чўнтагинда эса миллион. Мен-чи? Мен эса бор-йўғи бир... Уу-ввв!!! (кўз ёшлар бошланади)

ХУШЁРБЕК кузатди.

МАШИНАНГИЗДА ТУМОР БОРМИ?

Ниҳоят, орзуларингиз ушалаб, сиз ҳам автомобиль соҳиби бўлдингиз. Хайдовчилик гувоҳномагиз бор. Тажрибангиз ҳам етарли. Машинангиз ҳам гижингалаган тойдек. Аммо...

Ҳеч ўйлаб кўрганмисиз, кўпчилик хайдовчилар салондаги олд ойнага албатта туморми, бирор ўйинчоқми ёки шунга ўхшаш нарсани осиб қўйишади. Бу кўпчиликнинг ирими. Ўзини ва автомобилни ёмон кўзлардан асраш воситаси. Лекин шуни унутмангки, машина ва унинг эгаси билан боғлиқ ирим-сиримлар фақат шундангина иборат эмас. Биз сизга тавсия этаётган маслаҳатлар балки шунчаки ирим бўлиб туюлар, аммо кўп йиллик тажрибага эга хайдовчиларнинг доимий тарзда амал қилиб келган ва ҳозиргача панд бермаган айрим қоидалари ва одатлари борки, уни сиз ҳам қўлаб кўрсангиз фойдадан холи бўлмасди. Бу қоидаларнинг энг асосийлари қуйидагилардир:

■ Машина саломи ичида зинхор-базинхор автоҳалокатлар тўғрисида гаплашманг. Бахтсизликни қақирган бўласиз.

■ Автомобилингизнинг ичида бузилган ёки ҳалокатга учраган машина қисмларини олиб юрманг. Сизнинг машинагизга улардан ўша «палакат» «юқиб» қолиши мумкин.

■ Кўпчилик хайдовчилар йўлда итни уриб юборишса, ваҳимага тушиб қоладилар. Бу бежиз эмас. Чунки кейинги қурбон одам бўлиши мумкин.

■ Агар минилган автомобиль сотиб оладиган бўлсангиз, унинг аввалги эгаси моддий жиҳатдан бақувват бўлгани яхши. Бу машина сизга ҳам олдинги эгасининг омадини олиб келади.

■ Йил бошида сотиб олинган машиналар анча ишонгли ва кам бузиладиган бўлади. Шу боис январь ва февраль ойининг боши машина сотиб олиш



учун энг қулай давр ҳисобланади.

Кейинги пайтда хайдовчилар орасида энг кенг тарқалган иримлар эса қуйидагилардан иборат:

— Агар сиз душанба куни машинагизда ишга чиқиб, кўчада тикилинч «пробка»га тушиб қолсангиз, бу ҳафта омадингиз келмайди.

— Сафар олдиндан тушингизга автоҳалокат кирса, зинхор йўлга чиқа қурманг. Бу — хатар борлигидан дарақдир.

СИНАБ КЎРИНГ

— Машинада кетаётиб, сиздан ўзиб кетган автомобиль рақам орасида 13 сони ҳам борлигини кўриб қолсангиз, омадим келди деяверинг.

— Ҳеч қачон машина филдираклари тагига таҳорат ушатманг — ҳалокат юз бериши мумкин.

— Узок сафар олдиндан машинани тозаллаб ювманг!

— Машинагизнинг олдиндан айланган ўтманг — сиздан омад юз ўгиради.

— Салонда хуштак чалманг — ЙПХ ходими тўхтади.

— Биринчи учрашувга ифлос машинада борсангиз, билинги, севгилингиз билан бошқа учрашмайси.

— Машина ичида писта чақманг. Йўқса уни ўғирлаб, ёки ичидаги жиҳозларни «шипиритиб» кетишлари мумкин.

— Автомобиль кузовига келиб тушган куш ахлати — тушумдан нишондир. Аммо ўша ахлатни дарров тозаллаб ташламангиз, ҳаёлингизга ҳам келмаган чиқимларга учрайси.

— Агар қаршингизда келаётган хайдовчиларни йўлда яшириб турган ЙПХ ходими борлигидан огоҳлантирмасангиз, энг яқин дўстларингиз сиздан юз ўғириб кетишига сабаб бўларкансиз.

— Машина ойнасидан чиқинди ташламанг. Йўқса, йил буйи пулга ёлчмайси.

— Пулингизни машина саломи ичида санаманг — тез орада улардан ажралиб қолишингиз мумкин.

— Ва ниҳоят, рулга ўтиришдан олдин «бисмиллоҳ» дейишни унутманг!

Хуллас, сафарингиз беҳатар бўлсин.

Йўлчибой САФАРОВ тавсия этди.

(Давоми. Боши ўтган сонда)

Кейин нималар бўлганини айтишга тилим бормайди. Мушт ва тепкиларингиздан жонимни эмас, қорнимдаги боламни асрашга ҳаракат қилардим.

— Кет! Йўқол!

— Анвар ака, ҳаммаси ёлгон! Менга раҳмингиз келмаса, хали туғилмаган боламизга ачининг!

— Менга сен ҳам, боланг ҳам керак эмас! Эшитдингми, керакмас!!!

— Майли, керак бўлмаса ҳам, ҳозир ҳайдаманг мени. Дадамлар бир сўзли одам, қайтиб мени бу хонадонга юбор-

— Нега ундай дейсиз? Бунақа гап ҳаёлимнинг кўчасидан ҳам ўтгани йўқ. Шу гўдаккина сабаб ёшларнинг мурасасини келтириб қўяйлик, бола тирик етим бўлмасин. Хали иккови ҳам бир-бирини тушуниб кетишади, — деганларига кулоқ солмабдилар онангиз.

— Ўғлимнинг хотинидан кўнгли қолганга ўхшайди. Ўлсам-ўламан, у билан яшамайман, деб туриб олган. Ҳа, болага келсак, беш-тўрт сўм бош-кўзимиздан садақа, сизнинг ҳам, қизингизнинг ҳам кўнгли хотиржам бўлсин, берамиз ўша алимент деган савилни! — дебди.

нинг уйланганингизни ўша ёқда эшитдим. «Қизим, турмушингдан ажрашганинга икки йилдан ошди. Ҳаётда йўлдош керак барибир, болангнинг бахтини ўйла-санг, қайта турмуш қуришга ҳаракат қил», деб ёзарди ойим мактубларида.

Лекин бу ҳаётда бахт топиш осон иш эмаслигига, бу омад ва толега боғлиқ эканига ишонган, қайта турмуш қуришга кўнглим чопмас эди. Ўғлим, ширингина бўлиб қолган, у билан кўнларни бахтиёр ўтказардим. Ишим қизиқарли, одамларга нафим тегаяпти, ўзим ва яқинларим соғ-саломат, менга яна нима керак, деб

✓ БУНИ ҲАЁТ ДЕЙДИЛАР

дан дарҳол бошимни кўтариб, қаршимда турган одам — сизга қарадим. Кейин ортингизда турган онангиз ва аёлингизга кўзим тушди. Дастлаб сиз мени танимадингиз. Онангиз беҳосдан менга ёпиша кетди:

— Вой, қизим, ўзингизмисиз? Сиз экансиз-да, таърифи достон бўлган дўхтир? Ўзи кўнглим сезувди. Айланай, яхши юрибсизми? Набирам... Ўғлингиз кап-катта йигит бўлиб қолгандир-а?

Ё, тавба! Шу сизнинг онангиз эканига ишоналмасдим. Шунчалар ширинсўз бўлиб қолгани мўъжиза эди мен учун. Сиз эса унгайсизланиб турардингиз.

— Марҳамат, ўтиринглар. Мендан қандай ёрдам керак?

— Вой, шу десангиз, манави келинимиз тўққиз йилдан бери туғмайди. Ўзимиз томонда кўрсатмаган дўхтиримиз қолмади ҳисоб. Эскича амалларни ҳам қилдим, қор қилмаяпти. Ахийри, сизнинг таърифингизни эшитиб, келавердик, қизим...

Тақдирнинг ўйинини қарангки, сиз — бундан ўн йил аввал ўз пушти камарингиздан бўлган болани бир марта кўришни, унга туғилганлик тўғрисидаги гувоҳнома олиб беришни истамаган ота қаршимда фарзандсиз эканингиздан чорасиз холда бош эгиб ўтирардингиз.

Йўқ, бундан мен шодланмадим, таскин топмадим. Аксинча, ачиндим. Эҳтимол, сиз мени бунчалар бахтли қилолмаган бўлардингиз. Сиз билан яшаганимда шунчалар мавқега эришмаган бўлардим балки. Балки онангиз ҳозиргидай мулоим тортмаган бўлармиди мен билан яшаганингизда?

Нима бўлганда ҳам, аёлингизга бир беморим сифатида қарашга мажбур эдим. Уни даволашга ҳаракат қиламан, худо хоҳласа, у ҳам она бўлади. Фақат унинг фарзандини ҳўрламанг!

— Икки кун шу орда қолишларингизга тўғри келади. Тахлиллар чиққач, ташхис қўйиб, даволашни бошлаймиз, — дедим мен.

— Илоё, умрингиздан барака топинг! Бу онангизнинг тилидан учаётган дуо эди менга аталган.

Аёлингизни ҳамширалар қўлига топширдим. Оқшом чоғи эса шифохона йўлагига яна сизларни учратдим.

— Қизим, тунаб қолишга жой топишнинг иложи йўқми? — онангиз кўзимга илтижоли боқиб турарди.

— Ҳозир, бир дақиқа.

Ортимга қайтдим ва турмуш ўртоғим ишлайдиган бўлимга ўтдим. Бор гапни унга айтдим, маслаҳат сўрадим.

— Ҳаммаси ортда қолган гаплар-ку, Саида, — деди у. — Ўйга бошлаб боринг, кўчага ташлаб қўёлмаймиз-ку. Мен ҳам бирор соатда етиб бораман.

Сезиб турардим, сиз менинг уйимда, юмшоқ диванда эмас, игналар қадаглан қўрпаданай ўтиргандай эдингиз. Фарход акам сизга сираям адоватли қарамади, аксинча, самимий муносабатда бўлди. Ойла ҳақида умуман сўз очмади.

Овқатланиб ўтирганимизда, эшикдан ўғлим кириб келди. Аниқроғи, сизнинг ўғлингиз...

— Ассалому алайкум, дадажон!

У дадасининг бўйнидан кучоқлаб кўришди. Ҳа, у сизни танимасди, Фарходни ўз дадаси деб билади. Онангиз унинг юз-кўзларидан ўпаркан, кўз ёшларини тўхтатолмасди. Эҳтимол, неча йиллар аввал айтган сўзлари эсига тушиб кетгандир?

Менинг тўрт боланинг онаси, бахтли аёл эканимга гувоҳ бўла бошлаганингиз сари тобора қўқиб борардингиз. Нима қилай, бу учрашув менинг истагим эмасди.

Тонг отди, сиз останада кичиб кетаркансиз, ортингизга ўгирилдингиз.. Сизга меҳмонга қарагандай қараб турган ўн ёшли ўғлимга бир муддат термулиб қолдингиз холос...

Орадан уч ой ўтди. Аёлингизнинг сўнгги таҳлил натижалари ижобий чиқди. Даволашларимиз зое кетмабди. У она бўлиши мумкин, сиз эса ота...

САИДАНИНГ

юрэк изтиробини
Шахло ТОШБЕКОВА оққа кўчирди.



ТОҒЛАР УЧРАШМАЙДИ, БИЗЛАР УЧРАШДИК

майди. Боламиз етим ўсмасин, илтимос, Анвар ака!

Илтижоларимга жавобан дарвоза қарсиллаб ёпилди, ичкарасидан қўлфланди. Унинг тирқишидан онангизнинг менга голибона қараш қилиб турганини кўрдим.

Ота-онанинг ҳузурига боришга мажбур эдим. Дадам аҳволимни кўриб, кўзларига ёш келди.

— Тенгингни топиб бермаганим учун мени кечир, қизим! — дедилар, холос.

— Йўқ, дадажон, назаримда, мен уларнинг меҳрини қозонолмадим. Кўлимдан келганча ҳаракат қилдим, лекин эпалолмадим шекилли... — Кўз ёшларини юзларимни юварди. Мени бир парча этлигимдан парвариллаб, воёга етказиб, ўқитиб, лекин ортимдан раҳмат эшитмаган ота-онам олдида ўзимни айбдор санардим.

Орадан икки ой ўтиб, кўзим ёриди. Юрагимга умидлар инди. Биз ўғилли бўлгандик. Ойимлар бу хушхабарни сизларга етказиш учун хонадонингизга борибди. Аммо онангиз оймни умуман хушламабди.

— Тўғрироғи, хушхабарни айтгани эмас, балки «энди бола туғилди, ажрашадиган бўлса, ўғлингдан алимент ундириб оламиз», деб айтгани келгандир-сиз-да? — дебди оймимга.

Оймимнинг:

— Мен сизни тушунган аёл деб ўйлардим, — газабдан титраб кетибди оймим. — Мен эшигингизга садақа сўраб келганим йўқ. Ҳозир англадимки, қизимиз бу хонадонда яшаб, бахт топмайди. Майли, пешонасига шу қисмат ёзилган экан, чидаймиз. Лекин сизларни бир кун гўдакнинг уволи тутмасмикан?

— Сен кимсан ўзи? Қизинг ким? Шаллоқдай қозонни олволиб, дипломлиман, деб бошқаларни назарига илмидиган қизингдан ўргилдим! Қайтиб бу ерда қорангни кўрмай, йўқол!..

Уйга келиб онамнинг қон босимлари ошиб кетди. Дадам ва оймим қанчалар изтиробга тушмасинлар, кўнгилларидан кечаётган гапларни менга билдиришмасди. «Боламни кўтариб бориб, қайнонам ва эримдан кечирим сўрайман. Ахир, бу бола бирларига набира бўлса, бирларига фарзанд. Кўнгиллари юмшаса, ажабмас», деб ёлвориларимга дадам ҳам, оймим ҳам қаршилиқ қилардилар: «Фойдаси йўқ».

Болам жуда яхши ўсарди. Бошқа оналарга ўхшаб, туғруқ таътилида ҳам тўлиқ ўтиролмадим. Ўғлим саккиз ойлик бўлганда, бутунлай ишга чиқишимга тўғри келди.

Кейинги йиллар бир-бирини қувлаб ўтаверди. Мени Москвага, илмий текшириш институтига ўқишга чақирдишди. Сиз-

ўйлардим. Бироқ кейинроқ амин бўла бошладимки, оиласиз одамнинг юрагинга эмас, ҳаёти ҳам кемтик бўларкан.

Кўнларнинг бирида курсдошимни учратиб қолдим. Бегона юртда у билан тезда қадрдонлашиб кетдик. Фарход ҳам ўқишга келган экан. Илмий ишини ёқлаш арафасида экан.

Бир кунги суҳбатлашиб ўтириб, оиламиз ҳақида бир-биримизга гапириб бердик. Фарходнинг хотини автоҳалокат туфайли вафот этган экан.

— Дилдорани унутолмайман. Бир қизчам бор, у онамнинг тарбиясида, — деди у оғир хўрсиниб.

Ўқиб муддатим тугаб, юртимга қайтдим. Лекин орадан кўп ўтмай, Фарход менга оила қуришни таклиф қилди. Ўйлаб кўргач, рози бўлдим.

У билан бахтли эдик. Соҳамиз бир, бир-биримизни тушунамиз. У ўғлимга меҳрибон, унинг қизалоғи ҳам мени илк марта кўргандаёқ, «ойи» деб бағримга отилди. Ҳозир бизнинг тўртта боламиз бор, Тошкентга кўчиб келиб яшаётганимизга етти йил бўлди.

Дарвоқе, сиз билан учрашганимиз ҳақида гапираётувдим-ку. Кеча сиз ва онангиз бир жувонни етаклаб, хонамга кириб келдингиз.

— Яхшимисиз, дўхтир?

Овоз жудаям таниш эди. Шу сабаб-

МУНАЖЖИМ БАШОРАТИ

Кўй (21.03 — 20.04)

Бу ҳафта турли ҳужжатларни имзолаш учун қўлайдир. Иш фаолиятининг ютуқлари эришиш, катта лойиҳаларни бошлаш ва соғлигининг тиклаб олиш имконингиз бор. Дам олиш кунлари ота-онангизни йўқлаб, уларни хурсанд қилинг.

Буюк (21.04 — 21.05)

Шу кунларда оила аъзоларининг қўллаб-қувватлаши ҳамда дўстларининг бегарас ёрдами билан анча-мунча истакларингизни амалга оширишингиз мумкин. Ҳафтанинг иккинчи ярмидан ишга бошиш билан «шунгиз» шу боис соғлигингизга эътибор беринг.

Эгизаклар (22.05 — 21.06)

Катта лойиҳаларни амалга ошириш ва ҳужжатларни имзолаш учун Ҳафтанинг душанба ва сешанба кунлари қўлайдир. Аммо шахсий ҳаётингизга кўпроқ эътибор қаратинг. Оила аъзоларининг кайфиятини кўтаришга ҳаракат қилинг. Чунки бу ҳафта турли оилавий келишмовчиликлар кайфиятингиз ва ишингизга салбий таъсир кўрсатиши мумкин.

Кискичка (22.06 — 22.07)

Ҳафта бошиданок сизда моддий ютуқларга эришиш имкони бор. Ундан тўғри фойдаланиб. Ҳафтанинг сўнгги кунларида

оилангизда қувончли воқеалар содир бўлади.

Арслон (23.07 — 23.08)

Бу ҳафта анчадан буюн амалга ошмай юрган орзуингиз рўйбга чиқади. Лекин ишларингизнинг кўпчилиги шахсий ҳаётингизга салбий таъсир кўрсатади. Шу боис вазминроқ бўлинг.

Паризод (24.08 — 22.09)

Ҳафта раҳбарият билан бўладиган муаммоларга аразлашмаганингиз маъқул. Бундан ташқари, яқин кунларда хизмат сафарига чиқишингиз мумкин. Унга қадар оилавий муаммолар ва бошқа шахсий ишларингизни ҳал қилиб олганингиз маъқул.

Тарози (23.09 — 22.10)

Ишингизда ҳам, ҳамкасбларингиз билан ҳам, шунингдек, оилангизда ортиқча муаммолар бўлмайди. Ҳафтанинг иккинчи ярмидан сизга яхши тақдир тушади. Унутманг, бу имконият ўзининг моддий томондан ўнглаб олишингизга ёрдам беради.

Чаён (23.10 — 22.11)

Ҳафта боши Чаёнлар учун у қадар омадли келмаса-да, кейинги кунларда барча ишлар ўз изига тушади. Ишингиздаги омадсизликлар учун эса оила аъзоларингизни ноҳақ айблаш

га уринманг, бу катта муаммолар туғилишига замин яратлади.

Ўқотар (23.11 — 21.12)

Ҳурматли Ўқотарлар! Ишга масъулият билан ёндошинг ва кўпроқ меҳнат қилинг. Чунки бу Ҳафтанинг иккинчи ярми иш фаолиятингизга яхши хабарларни олиб келади. Оилавий муаммоларга чек қўйинг ва муносабатларингизни аниқлаштириб олинг.

Тоғ эчкиси (22.12 — 20.01)

Душанба куниданок ижобий кайфиятга бой бўласиз. Чоршанба ва пайшанба кунлари моддий маблағингизни кўпайтиришга ёрдам берувчи ишларга қўл уришингиз мумкин.

Ковга (21.01 — 19.02)

Турли тўловларни ҳафта бошида амалга оширмаганингиз маъқул. Чоршанба кунинингизда яхши янгиликлар содир бўлади.

Балик (20.02 — 20.03)

Жиддий ишлар билан Ҳафтанинг пайшанба кунидан шуғулланганингиз маъқул. Унга қадар уй юмушларига вақт ажратинг. Жума кунинингиздаги тақдирлардан бирини амалга ошириш айнаин сизнинг зиммангизга юклатилиши мумкин.

Гулноз ТОҶИБОЕВА тайёрлади

«ИНФАРММАДАД»

Саломатлик марказига марҳамат!

Марказда сизнинг хизматингизда — эндокринолог, невропатолог, кардиолог, гинеколог, уролог, гелинтолог, лор, окулист, болалар невропатологияси соҳаларидаги малакали шифокорлар шунингдек, УЗИ, ЭХО, ЭКГ, лаборатория, физиотерапия хизмати фаолият олиб боради.

КўПЛАБ ОИЛАЛАРГА ФАРЗАНД ҚУВОНЧИННИ ТУХФА ЭТИБ КЕЛАЁТГАН САЛОМАТЛИК МАРКАЗИ, СИЗНИНГ ҲАМ ХОНАДОНИНГИЗДА ЧАҚАЛОҚ ОВОЗИ ЯНГРАШИГА САБАБЧИ БЎЛАДИ!

Ёш келинлар турмуш ўртоғи билан ҳомиладорлик вақтида «Бўлажак оналар мактаби»га қатнаб, тегишли маслаҳатлар билан бирга даволаш гимнастикаси (ЛФК), психоневролог, кардиолог (ЭКГ) кўригидан ўтиб, фойдали йўл-йўриқлар олиб туриши мумкин.

Энди дунёга келган чақалоқлар эса мунтазам равишда болалар невропатологияси, педиатр, психолог, эндокринолог, логопед, гелинтолог кўригидан бўлади.

Ҳурматли эркаклар! Агар сизда бел, қовуқ соҳасида оғриқ бўлса, тунда ҳолатга тез-тез чиқиш, нешоб келгандан сўнг ачишиш, экинсий оғизлик, бешушлик, сабабсиз бош оғриғи, бел, бўйин оғриғи, қотиб қолиши, асабийлик, уйқусизлик, семизлик ҳолатлари кузатишса, малакали уролог, сексопатолог, невропатолог, эндокринолог ёрдамида барча дардлардан тезда фориғ бўлишингиз мумкин.

Балоғат ёшидаги қизларда ҳайз келганда кучли оғриқ бўлиши, бешушлик, сабабсиз қон келиши, туҳмудон кистаси, асабийлашиш, қирқ ёшдан ошган аёлларда қон босимининг ошиши, терлаш, миома, эрозия ҳолатлари бўлса, малакали гинеколог, невропатолог, кардиолог, эндокринолог ёрдамида даволанади.

МАНЗИЛИМИЗ: Тошкент шаҳри,

«Фафур Гулом» метро бекати.

МЎЛЖАЛ: Цирк томонга 150 метр юрилади.

Тел: (8-371) 244-73-24, 244-49-02

Барча хизматлар лицензияланган.

«ЎКТАМХОН-НУР» ўқув маркази

қуйидаги ўқув курсларга таклиф этади.

Тикувчилик — 3 ой, бошловчилар — 6 ой.

Тўй ва оқшом либослари — 1-2 ой.

Аёллар костюм-шими,

плаш-пальто — 1-2 ой.

Ҳамшира — 6 ой, 4 ойи ўқиб,

2 ойи амалиёт.

Ҳамшира (тезкор) — 3 ой.

Тиббий массаж — 2 ой амалиёт билан. Нуқтали — 1 ой.

Торт ва пишириқлар амалиёти билан — 2 ой.

Пишириқлар олий курси — 1 ой.

Уйғурча таомлар ва салатлар — 1 ой, амалиёти билан.

Аёллар сартарошлиғи — 3 ой, амалиёт билан.

Педикюр, маникюр — 1 ой, амалиёт билан.

Сартарошлик — 3 ой, амалиёти билан.

Тўй ва оқшом турмақлари ва макияж — 1 ой.

Бухгалтерия ҳисоби — 3 ой.

Элита парда ва чойшаблар — 1 ой амалиёт билан.

Сартарошлик — 2-3 ой ўқиб болалар учун. Салонда

Каштачилик — 3 ой машинкада вишивка.

Тўқувчилик — 2 ой.

Инглиз тили — 3 ой, бошловчилар — 6 ой.

Рус тили — 3 ой, бошловчилар — 6 ой.

Бисер тикиш, яъни мунчоқ тикиш — 2 ой.

Сунъий гул ясаш — 1-2 ой.

Компьютер сабоқлари — 2 ой. Интернет — 1 ой

Арабча ва миллий рақс — 3 ой.

■ Машгулотлар амалиёти билан

■ Ётоқхона мавжуд

Ўқишни тугатганларга ДИПЛОМ берилади

Манзил: Юнусобод тумани, 3 мавзе, 1-уй, 31-хона.

Мўлжал: Юнусобод деҳқон бозори

орқасида. Тел: 221-17-95, 221-77-72 кундузи, 225-97-93

18:00дан 22:00гача.

Бахтли бўлинг!

Бахтли бўлинг!

Бахтли бўлинг!

Бахтли бўлинг!

«Уйланмасидан олдин онам Жамилани бир кўргандай» экан болам, бунинг жуда очик-сочик кийинан экан, қиз бола ҳаёси билан дуа-да, дея қўнғи туманганди. Барбир ўша қизни яхши кўриб қолдим. Тўйимиздан сўнг дастлаб биний-идек яшадик. Қизимиз туғилгандан кейин эса у ўзарди-қолди. Уй юмушларини буткул онамга ташлаб қўйди. Отам, укам, ати кишининг пишир-қўйдири, кир-чирига қараш онам бечорага оғирлик қиларди. Бу ҳақда унга танбех берсам, шартта болани олиб отасиникига кетиб қолди. Онаси телефон орқали бизларни куракда турмайдиган гаплар билан ҳақорат қилди. Қизимнинг тирик етим бўлишини истасам-да, ноилоҳ ажрашдим. Ёшим 42 да. Маълумотим ўрта-махсус. Меҳрибон, хушмуомала, уйим-жойим деидиган аёлга (битта қизчаси бўлса ҳам майли) уйланиш ниятидаман.

ШОКИР,

Тошкент шаҳри.

«Абдурашид билан севишиб турмуш кўрадик. Онаси тўйимизга қарши бўлган. Лекин у «шу қизча уйланмасам, ундан кетаман» деб шарт қўйганидан кейин улар кўнчилиган экан. Қайнонам янги келинлик пайтида номисагина менга яхши муомала қилганини кейин билдим. Ошқора тарзда «сен бўлмаганингда ҳозир дўғонанинг қизи келишим бўларди», деди. Барини ичима ютиб, ота-онамга ҳам чурқ этмасдим. Бора-бора уларни ҳам ўз изига солиб олди. Эрим мени каттақалайдиган бўлди. Охири ке-

тишга мажбур бўлдим. Қайнонам инсофда келмади. Ажрадик. Мана шунга ҳам 13 йил бўлди. Ёшим 36 да. Маълумотим ўрта-махсус. Фарзандим йўқ. Ёшимга мос, диёнатли инсон учраса, оила қурмоқчиман.

Дилноза,

Бухоро вилояти.

Насиба билан ўртоғимнинг тўйида танишиб, бир йил ўтган, унга уйлانгандим. Биз жуда бахтли яшардик. Кетма-кет тўрт фарзанд кўрди-ю... лекин минг афсуски, учтаси жуда ёш вафот этди. Бу кўруликлар туғайли охири унинг ўзи ҳам оғир дардга чалинди. «Қизимнинг кўзидан ёш оқизмасангиз сиздан икки дунё розиман», дея қўлимда жони узлди. Тош қаттиқми, бош, деганида бир донишманд бош қаттиқ деган экан. Менинг бошимга тушган азоблар зарбига тош ҳам ёрилиб кетарди. Насиба? Қизимнинг оқу қораси қизим ҳозир 11 ёшда. Ҳарби бўлганим учун вақтлорик нафақага чиққанман. Ёшим 50 да. Мени тушундиган, қизимдан меҳрини аямайдиган аёл бўлса овоз берсин.

ЎТКИР,

Қашқадарё вилояти.

ТАХРИРИЯТДАН:

«Бахтли бўлинг» руқнига хат йўллаётган ёки бевосита мурожаат қилаётган фуқаролар ўзлари билан паспортлари нусхаси ҳамда яшаш жойидан (маҳалла кўмитасидан) маълумотнома тақдим этишлари шарт. Шунингдек, ажрашганлар бўлса, суд қарорининг нусхасини топширишлари талаб этилади.

МУРОЖААТ УЧУН ТЕЛЕФОН: 234-25-46

РАЪНО,

Тошкент вилояти.

Муассислар: Ўзбекистон хотин-қизлар кўмитаси, Болалар жамғармаси ва «Соғлом авлод учун» Халқаро жамғармаси

Фойдаланилмаган қўлэмалар таҳлил қилинмайди, муаллифларга қайтарилмайди, ёзма жавоб берилмайди.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Тошкент, Буюк Турон кўчаси, 41-уй. Босишга топшириш вақти — 15:00. Босишга топширилди — 16:00.

E-mail: oilavajamiyat@sarkor.uz

Бош муҳаррир: Норқобил ЖАЛИЛОВ

Қабулхона: (тел, ва факс) 233-28-20

Мухбирлар: 234-25-46

Котибият: 233-04-35

Реклама бўлими: 233-04-50

Web-site: oilavajamiyat.uz

Газета таҳририят компьютер базасида терилди ва саҳифаланди.

МАНЗИЛИМИЗ:

Тошкент — 700000

Амир Темур кўчаси,

1-тор кўча, 2-уй

Мўлжал: «Олой»

бозори ёнида

ОБУНА ИНДЕКСИ — 176

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0169-

рақам билан 11.01.07да рўйхатга олинган. Буюртма

Г — 33. Формати А-3, ҳажми 4 табоқ, Адади — 10781

Навбатчи — Тамара ХУММАМАТОВА

Саҳифаловчи — Илҳом ЖУМАНОВ

Мусахҳиҳ — Саидгани САЙДАЛИМОВ

ISSN 2010-7609

1 2 3 4 5